

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:339.5(532)

ББК:65.9(506)

X-47

ХИДИРОВ НОДИРБЕК НОСИРОВИЧ

**АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК
РИВОЖЛАНИШИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ
ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ (МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ
МИСОЛИДА)**

Мутахассислиги: 5A231001 – Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ва
мамлакатшунослик (Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Зиядуллаева Л.С.

ТОШКЕНТ – 2013

Магистрлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилади

Магистратура бўлими бошлиғи

Сайдазимова У.Т.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3
I БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ.....	
1.1. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурияти.....	9
1.2. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари.....	16
1.3. Хорижий мамлакатларда кичик тадбиркорлик ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.....	26
II БОБ. МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	
2.1. Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиши тенденциялари.....	41
2.2. Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	50
III БОБ. МИСРДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РОЛИ.....	
2.1. Миср Араб Республикасининг чет эл мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалари ва унда кичик тадбиркорлик.....	62
2.2. Ўзбекистон ва Миср Араб Республикасида кичик тадбиркорлик ривожланишининг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.....	75
ХУЛОСА.....	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	105

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги. Глобаллашув шароитида бозор иқтисодиётига асосланган миллий иқтисодиётлар ривожланиш тенденцияларига мос равишда ўзгариб, янгиланиб бораверади. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик фаолиятида ҳам трансформациялашув жараёни кечади. Жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорацияларнинг салоҳияти ва салмоғининг шиддатли ривожланиши шароитида йирик компанияларга кичик тадбиркорлик рақобатчи бўла олмайди деган тушунча мавжуд эди. Бироқ охириги ўн йилликда объектив иқтисодий шароитлар ўзгариши, иқтисодий муҳитнинг яхшиланиши, истеъмол кўлами кенгайиши каби жараёнлар билан боғлиқ шарт-шароитда кичик корхоналарнинг аҳамияти ошди. Шу ўринда кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам такомиллашиб бормоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес иқтисодий муносабатларнинг шакллари, улар қўлланилишининг имкониятлари ва афзалликлари борасида юзага келган муаммолар, мазкур тизимларнинг миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари мавжуд эмаслигидан келиб чиқмоқда. Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг кўпчилигида кичик корхоналарнинг кучли рақобат шароитидаги муттасил иқтисодий ўсиши йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади.

Замонавий босқичда жаҳондаги миллий иқтисодиётларнинг асосий тенденцияси – глобаллашув бўлиб, у – халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашувига ва илмий-техника тараққиёти кучайишига имкон беради. Бунда чиқарилаётган товарлар, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар номенклатураси доимий равишда ўсишига ва рақобат муҳитининг ҳаддан ташқари мураккаблашувига олиб келади ва ҳаттоки, мазкур жараёнда молия-саноат гуруҳлари (МСГ) ҳам барча ишларни ўз имкониятлари доирасида ишлаб чиқаришга ожизлик қила бошлайди. Илғор кичик

кохоналар (КК) аутсорсинг қўлланиши билан боғлиқ бизнес жараёнлардан бир қисмини, ҳамда субподряд тизими бўйича маълум белгиланган деталлар ва ёрдамчи қисмларни бажаради.

Ҳозирги замон бозорида ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва мол етказиб берувчиларнинг ҳеч бири якка ҳолда иш олиб бормайди. Шу боисдан гарчан йирик компаниялар иқтисодий салоҳияти бақувват бўлишига қарамадан кичик бизнес субъектлари кўмагига эҳтиёж сезишади. Зеро мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари кўплаб имкониятларга эга бўлиб, иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “... бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.”¹

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, технопарклар ташкил этиш, тадбиркорлик муҳитини яратиб бериш борасида кичик бизнес иқтисодий муносабатлар механизмини такомиллаштириш, уларни янада ривожлантириш, кичик бизнеснинг кенг спектрдаги товар ва хизматлар яратишини таъминлаш, бозор иқтисодиётининг эгилувчанлиги, аҳолини иш билан янада тўлиқроқ банд қилиши, миллий иқтисодиёт экспорт салоҳиятини оширишига интилиши, ресурсларни мобиллаштириш қобилиятини кўтариши ҳамда рақобат муҳитини шакллантириши йўлида кўплаб илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва бажариш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, “... халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабаларига ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққий топаётган мамлакатлар тажрибасини инобатга

¹Каримова И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир /Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. /Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь, № 236 (5151) – Б.3.

олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисмидир”² деб қайд этган Президент Ислом Каримов.

Албатта бу борада қилинган ишлар талайгина бўлиб, айнан мазкур масаладаги ишлар етарли деб бўлмайди. Шу ва юқорида баён этилганлар юзасидан жаҳондаги ривожланган мамлакатларда салмоқли тажрибалар йиғилган бўлиб, шубҳасиз Ўзбекистон шароитида қўллаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугуннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланиши тадқиқот мавзунининг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатлардан Аткинс, Брюса Одесси, Дирека Либерта, Дж. Даннинг, Р. Клоуз, Кристофер Конте, М. Портер, М. Дж. Фридман, Д. Стенворт, О. Уильямсон, Дж. Хейвуд, А. Чендлер каби тадқиқотчилар ишларида кичик бизнес фаолияти механизмлари ва шакллари ёритилган.

Кичик тадбиркорлик иқтисодий муносабатлар соҳасидаги муаммоларга Россиянинг А.Т. Алимова, Б.А. Аникин, А.О. Блинов, А.В. Бусыгин, Е.М. Бухвальд, В.П. Буянов, А.В. Виленск, М.М. Вышегородцев, И.Н. Егорова, Н.Е. Иванова, Д.Н. Земляков, С.О. Коленджян, Г.Б. Клейнер, М.Г. Лапуст, В.В. Масленников, В.А. Руб, Б.П. Сапсая, С.А. Силинг, А.Н. Спартак, Ю.А. Старостин ва бошқа муаллифлар ишларида катта эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фундаментал қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва маърузаларида чуқур баён қилинган. Ундан ташқари Ё.А. Абдуллаев, Ш.З. Абдуллаева, У.Р. Валижонова, С. Э. Воҳидова, Т. С. Маликов, Н.М. Маҳмудов, О.О. Олимжонов, Ҳ.Р. Собиров, М.Ш. Шарифхўжаев, А.Ў. Ўлмасов, Н.Т. Тўхлиев, М.Л. Турсунхўжаев, А.Қ. Қодиров, С.С. Ғуломов, Д.Ғ. Ғозибеков, О.Ҳ. Ҳикматов, Б.А. Эркаевлар асарларида кичик бизнес ва

²Каримов И.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили далил ва рақамларда /Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. /Халқ сўзи. 2011 йил 28 декабрь, № 320 (5158) – Б.3.

тадбиркорлик моҳиятининг назарий ва амалий муаммолари, тадбиркорликни ташкил этиш фаолиятини режалаштириш ва бошқариш ҳамда Ўзбекистонда тадбиркорликнинг замонавий ривожланиш тенденциялари очиб берилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади Миср Араб Республикаси иқтисодиётида кичик тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этиш асосида ҳамда жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон шароитида кичик бизнес фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришишда қуйидаги **вазифалар** танлаб олинади:

- кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив заруриятини очиб бериш;
- кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш усуллари аниқлаш;
- хорижий мамлакатларда кичик тадбиркорлик ва уни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмларини ёритиш;
- кичик тадбиркорлик ривожланишининг Мисрдаги тенденцияларига баҳо бериш;
- Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;
- Миср Араб Республикасининг чет эл мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалари ва унда кичик тадбиркорликнинг ўрнига баҳо бериш;
- Ўзбекистон ва Миср Араб Республикасида кичик тадбиркорлик ривожланишининг муаммоларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида кичик тадбиркорлик субъектлари танлаб олинган.

Мазкур ишда жаҳон иқтисодиёти амалиёти такомиллашувини инобатга олинган ҳолда “кичик тадбиркорлик” ва “кичик бизнес” тушунчалари бир маъноларни англатувчи синоним сўзлар сифатида ишлатилди.

Тадқиқот предмети Миср ва Ўзбекистонда кичик бизнес ривожланиш муаммоларидан иборат.

Магистрлик диссертациясининг асосий масалалари ва фаразлари (гипотезаси). Магистрлик диссертациясида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, кичик тадбиркорлик ривожланишининг шарт-шароитлари ва омиллари, Миср Араб Республикасида кичик тадбиркорлик ривожланишининг ҳозирги ҳолати, унинг ўзига хос хусусиятлари, Миср Араб Республикаси тажрибасидан Ўзбекистонда фойдаланиш каби масалалар кўриб чиқилади.

Тадқиқотнинг гипотезаси шундан иборатки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Магистрлик диссертациясининг назарий-услубий асоси бўлиб ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарларида илгари сурилган ғоялар, йирик иқтисодчи-олимлар томонидан яратилган илмий концепциялар хизмат қилди. Шунингдек, тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясини ёзиш жараёнида меъёрий, таққослаш, гуруҳлаш, ҳисоб-конструктив ва бошқа усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг информацион-ахборот базаси. Диссертацияни ёзишда кичик тадбиркорлик бўйича кўплаб рус, инглиз ва араб тилларидаги манбалар, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ агентлиги, Миср Араб Республикаси Иқтисодиёт, Молия ҳамда қатор иқтисодий, статистик муассасаларнинг инглиз ва араб тилларидаги материаллари, Ўзбекистон

Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференциялари, Араб валюта фонди, Жаҳон банки каби ташкилот ва муассасалар маълумотларидан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янглиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

- жаҳон иқтисодиётининг шиддатли ривожланиши натижасида кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив заруриятлари ва усуллари ҳамда хорижий давлатларда бизнесни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш тажрибалари тадқиқ қилинди;

- Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденция даврлари таққосланди ва тараққий топиш хусусиятлари ёритилди;

- Мисрнинг халқаро иқтисодий муносабатлари ривожланишида кичик тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти очиқ берилган ҳолда, унинг ривожланиш муаммолари, шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ҳозирги тараққий топиш муаммолари ёритилди.

Ишнинг амалий аҳамияти. Диссертация маълумотлари Миср ва Ўзбекистон ўзаро тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштиришда кенг қўламда фойдаланиш, асосан Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда қўллаш мақсадга мувофиқ.

Магистрлик диссертациясининг таркибий тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янглиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи бобда жаҳон иқтисодиётининг шиддатли ривожланиши натижасида кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурлиги ва усуллари ҳамда хорижий давлатларда бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тажрибалари тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобда Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденция давлари таққосланган ва тараққий топиш хусусиятлари ёритилган, Мисрнинг халқаро иқтисодий муносабатлари ривожланишида кичик тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти очиё берилган.

Учинчи бобда Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик ривожланишининг муаммолари, шунингдек, Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ҳозирги тараққий топиш муаммолари ёритилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган.

I БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ

1.1. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив зарурияти

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётида самарали ишлаб чиқариш, бозорларни зарурий маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланмоқда.

Кичик бизнес замонавий иқтисодиётда етарлича даромадли омил бўлиб, юқори самарадорликдаги чуқур ихтисослашиш ва уюшмаларни барпо этади. У нафақат камбағаллик масалаларини бартараф этади балки, соғлом рақобат муҳитини юзага келтиради.

Корхоналар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг тез суръатларда ривожланадиган шакли ҳисобланиб, мустақил ишлаб чиқариш ва ижодкорлик имкониятларини ифодалаб, яхши меъёрий ҳаёт даражаси учун етарлича даромадлар келтиради. Тармоқли тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш аҳоли бандлигини таъминлашга, бозорларда маҳсулотлар миқдори ва истеъмол хизматлари ошишига олиб келади. Кичик тадбиркорлик мустақил ривожланиш ва кўп укладли иқтисодиётли соғлом рақобатни юзага келтиради, пировардида йирик фирмалар монопол сиёсатига қарши бўлган бизнес муҳитни шакллантиради.³

Юқорида кичик тадбиркорликнинг мазмун моҳияти ва аҳамияти борасида тўхталиб ўтилди, бироқ жаҳон иқтисодиётида бу борада етарлича манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг таҳлили бугунги кундаги эътибор қаратилиши зарур бўлган давлат сиёсатининг марказий ўринларига чиқиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда тадбиркорликни ривожлантириш ҳозирги кундаги объектив заруриятга айланмоқда ва буни давлатнинг

³ Абдуллаев Ё., Юлдошев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Мехнат, 2006. – Б.37.

оқилона аралашувисиз тасаввур этиб бўлмаяпти.

Давлатнинг, тадбиркорликни тартибга солиш сиёсатисиз, кичик бизнесни, йирик капиталга қарши монопол курашда муваффақиятга эришиши кийин кечади, шунингдек кичик бизнес ўзининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошира олмайди.⁴

Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик секторининг ўрни ва аҳамияти каби муносабатларда давлат сиёсати мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб олинган. Мамлакатимизда кичик тадбиркорликка ишсизлик қисқаришига таъсир этувчи, инновацион жараёнларни фаоллаштирувчи, рақобатни ривожлантириш, товарлар ва хизматлар бозорининг маълум сегментларини тўлдириш, у ёхуд бу турдаги ижтимоий–иқтисодий вазифаларни ҳал этишга лаёқатли омил сифатида эътибор қаратилмоқда.

Кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш юқорида таъкидлаб ўтилганидек, миллий иқтисодиёт учун бекиёс аҳамият касб этади, бироқ, у иқтисодий жараёнларнинг табиий ривожланиши ва бозор механизмларининг ўзини–ўзи бошқаришига салбий таъсир этиши мумкин деган қарашлар мавжуд. Қатор давлатларда бозор ислохотларининг илк босқичларида тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш бозор хўжалигининг асосий субъекти – хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилган.

Охирги вақтларда қатор ривожланган ва юқори даражада тараққий этаётган давлатларда, тадбиркорлик назарияларига акс тенденциялар кузатилмоқда. Иқтисодий сиёсат, йирик давлат хўжалик тузилмалари ва уларнинг бирлашмалари, энг аввало саноат–молия гуруҳларини қўллаб–қувватлашга қаратилмоқда. Шаклланаётган давлат – монопол хўжалик тизимида кичик тадбиркорлик, ғайри табиий субъект сифатида юзага келиб, унинг фаолияти эса йирик капиталлар учун жозибасиз, йирик молиявий қарамлик мавжуд соҳаларда шаклланиб, ниҳоятда оғир, кўп меҳнат талаб ва

⁴ Абдуллаев Ё., Юлдошев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: 2006. – С.42.

манфаатсиз жараёнларга қаратилмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларига алоқадор корхоналар умумий сони, бугунги кунда табора ортиб бормоқда. Шу сабабдан корхонларда ишчиларнинг ўртача бандлиги критерияси ишлатилганда, (айниқса, ривожланган давлатларда) фақатгина кичик тадбиркорлик назарда тутилмоқда. Европа иттифоқида кичик тадбиркорлик корхоналари дейилганда, унда ишловчилар сони эллик кишидан ошмаган, йиллик айланмаси 40 млн.евродан камни ва баланс суммаси 27 млн.еврони ташкил этган бизнес субъектлари тушунилади.⁵ Бироқ, кичик тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш мақсадида ЕИ да бошқа критериялар ҳам қўлланилади.

Жаҳон тажрибасида кузатилаётганидек, кичик тадбиркорлик турли, ҳатто ривожланган давлатлар иқтисодиётида ҳам улкан аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда кичик тадбиркорлик ривожланишининг хориж ва миллий иқтисодиёт тажрибасини таҳлил этиб, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг қуйидаги объектив афзалликларини келтириш мумкин:⁶

- мулкдорлар синфи ошиши, натижада ўрта синф шаклланади, бу эса, демократик жамиятда сиёсий барқарорликка кафолат яратади;

- иқтисодий фаол аҳоли улуши ортиши, бу ўз навбатида фуқаролар даромадлари кўпайишига ва турли ижтимоий гуруҳлар фаровон турмушидаги (номутаносиблик) диспропорцияни қисқартиради;

- жамиятда кичик бизнес энг биринчи ўриндаги ўз–ўзини бошқариш механизми сифатида тасаввур қолдиришига эришади;

- нисбатан капитал камҳарж янги иш ўринлари яратилади, бу асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилади;

⁵ World Bank. Annual Economic Report 2012 // Development of Small Business. – P.12-13.

⁶ Гуломов С.С., Ахмедов Д.К., Боев Х.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари. – Т.: ТДИУ, 1996. – Б.41.

- давлат секторида хизмати (иш) дан бўшатишган, ҳамда иқтисодий фаол аҳоли тоифасига кирмаган жамият вакиллари (қочоқлар, ногиронлар, ёшлар, аёллар) каби ишчиларни иш билан таъминлаш;

- иш жойларда малакани оширишга йўналтирилган таълим чекланган ишчилардан фойдаланиш ҳисобига кадрларни тайёрлаш;

- технологик, техник ва ташкилий янгиликларни тадбиқ этиш ва ишлаб чиқиш;

- йирик компаниялар янги бозорларни ўзлаштириш йўлида ишлаб чиқариш самарадорлиги билвосита рағбатланади (кичик тадбиркорлик замиридан нафақат йирик компаниялар, балки, янги илмталаб соҳалар ва ишлаб чиқариш етишади);

- ишлаб чиқарувчилар монополлиги қисқаради, рақобат муҳити яратилади;

- моддий, молиявий ва табиий ресурслар ҳаракатга келади;

- тез суръатлардаги инвестицион жозибадор соҳалар, оғир меҳнат талаб маҳсулотлар ишлаб чиқишда жамланадиган фонд захиралари ва капитал тўплаш масалалари қисқаради, масалан, АҚШ да ишчилар сони 100 дан кам бўлган компанияларнинг савдо улуши йирик компаниялардан юқори, бу нафақат хизмат, молиявий суғурта, улгуржи савдо, балки, транспорт ҳамда қайта ишлаш саноати соҳаларида ҳам кузатилади;

- иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги муносабатларни оширади.⁷

Бундан ташқари кичик тадбиркорлик мулклари нисбатан жамғариш ва инвестициялашига мойилроқ бўлиб, уларда ҳар доим мақсадга эришишга бўлган интилиши кучли ҳисобланади. Бироқ, кичик тадбиркорлик корхоналарининг ўзига хос камчиликлари мавжуд бўлиб, қуйида уларни санаб ўтамыз:

⁷ Ғуломов С.С., Аҳмедов Д.К., Боев Х.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари. – Т.: ТДИУ, 1996. – Б.43.

- хавф даражаси нисбатан юқорилиги сабабли бозордаги ўрин даражаси нобарқарор;

- йирик компанияларга боғлиқлиги (тобелиги);

- шахсий ишлардаги ўз бошқарувининг мавжуд эмаслиги;

- етарли билимли раҳбарларнинг кучсизлиги;

- хўжалик муносабатлари шароитлари ўзгаришига нисбатан юқори таъсирчанлик (қиска муддатли инқироз, инфляция шароитида етарлича кўп харжлиги);

- қўшимча молиявий воситаларга боғлиқлик ва кредитларни олишдаги қийинчиликлар;

- тузилаётган шартнома ва бошқаларда хўжалик ҳамкорларининг ишончсизлиги ва эҳтиётсизлиги.

Кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив заруриятлари борасида кўплаб баён қилиш мумкин. Юқорида кичик тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш масалаларини ёритишда унинг миллий иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамиятига кенгроқ тўхталинди.

Маълумки, ҳар бир ҳатти ҳаракатларимиз замирида эркин ва фаровон турмуш даражасига эришиш ва уни узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашд ётади. Шу сабабдан жамиятда ҳозирги вақтда кичик тадбиркорликка эътибор қаратилиши замон талаби дейиш айнаи муддао ҳисобланади. Мазкур бўлимни янада кенгроқ ёритиш мақсадида кичик тадбиркорликни ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайимз.

Кичик тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти оммавий кичик мулкдорлар гуруҳларидан иборат. Айнан мазкур гуруҳлар аҳоли фаолиятининг асосий истеъмолчилар массаси, тез суръатларда ўзгарувчи бозор талабларига мувофиқ равишда товарлар ва хизматлар мажмуасини ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Бунда қуйидаги муҳим ижтимоий омилларни қайд қилиб ўтаимиз:

- кичик тадбиркорлик ривожланиши жамиятнинг демократик тараққиёти ва сиёсий барқарорлик кафолати, асосий ижтимоий–иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг муҳим кафолати ҳисобланади;

- кичик тадбиркорлик билан шуғулланиш нафақат муносиб ҳаёт кечириш манбаи балки, шахсий ички салоҳиятни очиб беради;

- иқтисодиётни реструктуризациялаш шароитида фуқароларнинг кўпчилик қисми ихтиёрий равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ўтиб кетишади;

- кичик тадбиркорлик сектори янги иш ўринларини барпо этади, ундан ташқари мамлакатда ишсизлик даражаси ва ижтимоий зўриқишни пасайишини таъминлайди;

Турли давлатларда кичик тадбиркорликнинг сиёсий таъсири етарлича юқоридир. Мазкур ижтимоий гуруҳлар жамиятнинг ўрта табақасини шакллантириш юзасидан катта тажрибаларга эришиб улгуришган. Жамиятда барқарор ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий ривожланиш шароитида кичик бизнес демократик тамойиллар, сиёсий барқарорлик ҳамда иқтисодий эркинликни ўзида акс эттиради. Кичик мулкдорлар табақаси мулкчилик муносабатларида юзага келадиган таҳдидларда нисбатан фаол ва ҳаттоки, изчил қаршиликларни амалга оширади, худди шунингдек, кичик тадбиркорлик эгалари учун ўрта ва йирик мулкдорлардан фарқли ўлароқ, уларнинг мулклари бизнес ғояларни амалга оширишнинг ягона воситаси ҳисобланади. Ўрта синф ёхуд ўзларининг сиёсий ҳаракатларини амалга оширади ёхуд, сайловчилар овози учун турли сиёсий кучлар курашига қарши объект сифатида юзага келади.

Кичик тадбиркорлик бозор конъюнктуралари ўзгаришларига юқори даражадаги эгулувчан хусусиятга эга бўлиб, мамлакатда макроиқтисодий жараёнларни барқарорлаштиришга имкон беради. Бироқ, кичик тадбиркорлик сектори туб моҳиятан олиб қараганда нисбатан паст даромадли, меҳнатнинг юқори интенсивлиги, янги технологияларни тадбиқ этишнинг мураккаблиги, шахсий ресурсларнинг чекланганлиги ва кучли

рақобат курашидаги юқори ҳавфлар билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида кичик тадбиркорликни доимий равишда янгилашиб туриши оқибатида оммавий банкротлик, фаолиятнинг қайта ихтисослашиши ёки секторнинг инқирозидир. Кичик тадбиркорликнинг ҳаёт кечирувчанлигига келадиган бўлсак, Жаҳон банки маълумотларига кўра, янгидан ташкил топадиган кичик корхоналар беш йилдан сўнг 3% дан камни ташкил қилиб қолади. Шу билан бирга кичик корхоналарнинг умумий сони ўсади ёки ўзгаришсиз қолади, жойларда тугатилган корхоналар доимо янгидан пайдо бўлаверишади.

Кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг заруриятининг Ўзбекистондаги аҳамитига эътибор қаратадиган бўлсак. Бу ўринда Президент Ислам Каримов “Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз амалга оширадиган ислохотларимизнинг асосий бўғини ҳисобланади⁸” деб таъкидлаганлар. Нутқда унинг заруриятлари баён этилган. Хусусан, биринчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизнеснинг балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизмат кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик ва ўрта бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағи сарфини ҳам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамойилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақти–вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий

⁸ Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.12.

инқирозларга тезроқ мослаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.

Шу ўринда мамлакатимиз президенти Ислон Каримов “...айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобатбардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларига эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди. Мана шунинг учун кичик ва ўрта корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нечоғли беқиёс эканини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ⁹” дея, кичик тадбиркорликни ривожлантириш қанчалар зарур эканлигини қайд этган.

1.2. Кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида кичик бизнес субъектлари маълум даражада ривожланиб бори. Хусусан мазкур тенденциялар Ўзбекистонга ҳам мосдир. Лекин уларни яратиш суръатлари, уларни муттасил ривожланиб бориши ва умумиқтисодий ҳаётдаги ўрни бозор иқтисодиёти талабларига ҳали жавоб бера олмайди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш йўлларида кўплаб давлатларда ҳанузгача етарлича тўсиқлар, қийинчиликлар мавжуд. Уларни фақат давлатнинг комплекс ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий чора–тадбирлари асосида енгиб ўтиш мумкин. Бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шакли бўлган кичик бизнесни яратиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар ўз фаолиятларини йўлга қўйгунларича турли мураккабликларга дуч келадилар.

Тадбиркорлик муаммолари бўйича ўтказиладиган сўров натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Юқоридаги келтирилган қийинчиликлар турли сабаблар бўйича 40% дан 83% гача бўлган.

⁹ Каримов И.А. Жаҳиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.15.

Бироқ, ҳозирги вақтда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари етарли даражада яратилган. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятини айниқса, қолоқ минтақаларда ривожлантириш йўли билан янги иш жойларини ташкил этиш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун шарт–шароитларни яратиш, хизмат кўрсатиш, айниқса, банк, аудиторлик, консалтинг, воситачилик, инжениринг, банк фаолиятига боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб қиладиган хизматлар ҳажмини кескин ошириш, аҳолининг кўпчилигини тадбиркорлик, бизнес ишлари билан шуғулланиш истагини юзага келтириш ва уларни бозор иқтисодиётига жалб қилиб, боқимандалик, истеъмолчилик психологиясини бартараф қилиш мақсад қилиб қўйилган.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг усуллариغا кўра, тартибга солишни икки турга: умумий ва алоҳида турларга ажратиш мумкин.

Умумий тартибга солишда давлат органлари жамият манфаатлари учун тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатса, унинг алоҳида турида давлат органлари минтақавий тузилма доирасида ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда аҳоли манфаатлари учун тадбиркорлик фаолиятини тартибга солади. Бунда ҳар доим алоҳида тартибга солиш тадбиркорлик фаолияти умумий тартибга солиш йўналишидан чиқиб кетмаслиги керак. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни бундай турларга ажратишга сабаб шуки, бу соҳада давлат фаолияти маълум даражада алоҳидалаштирилган бўлиб, умумийдан ташқари, ҳудудий тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ҳаракатда бўлади. Умумий тартибга солиш тадбиркорлик фаолиятининг турли томонларини бутун мамлакат миқёсида бирдек қамраб олади ва барча учун умуммажбурий аҳамият касб этади.

Бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг алоҳида усулида, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ёки бизнесменлар учун қўшимча кафолатлар белгилаши мумкин.

Умуман олганда, кичик бизнес ривожланишини қўллаб–қувватлаш шакллари ва усуллари ниҳоятда хилма–хилдир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Давлат ҳуқуқий ёрдами;
2. Ташкилий ва бошқарув ёрдами;
3. Молиявий–иқтисодий ёрдам;
4. Моддий–техникавий ёрдам;
5. Ижтимоий–психологик ёрдам.

Энди бевосита Миср давлатида кичик ва ўрта тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг усуллари ва механизмларини баён қилиб ўтсак. Миср Араб Республикасида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари ва сиёсати яратилган бўлиб, бизнесни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш усуллари икки йирик қисмдан иборат.¹⁰


Биринчи қисм. Кичик ва ўрта бизнесни институционал тартибга солиш. Унда кичик тадбиркорлик мажбуриятлари белгиланиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ривожланиш стратегияларини белгилаш, мутасадди вазирликлар билан ҳамкорликни ўрнатиш, давлат ва хусусий тартибда консалтациялар, кичик ва ўрта тадбиркорлик мониторинги ва нарх сиёсати олиб бориш механизмлари мавжуд. Мазкур қисмда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари билан вазирликлар ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Ҳамкорлик моҳияти бизнесменлар маълум соҳаларда учрайдиган муаммоларни вазирлик доирасида ҳал этишади. Бу ташқи иқтисодий фаолият, молиявий рағбатлантириш, логистика каби масалаларни ўз ичига олади. (Қаранг, 1-2 жадвал. Мазкур қисм қуйидаги жадвалда батафсил тузиб чиқилган).

Иккинчи қисм давлат мақсадли сиёсати деб номланади. Ушбу сиёсат учта бўлимдан: кичик ва ўрта корхоналарни инвестициялаш; кичик тадбиркорлик инновациясини ошириш; кичик тадбиркорликни операцион тартибга солиш шулар жумласидандир. Унда инновацион технологиялар

¹⁰ Hala Hattab.Global Entrepreneurship Monitor. Egypt Entrepreneurship Report, 2008. – P.27.

маркази хизматлари, тадбиркорларни инновациялар билан таъминлаш молияси, тадбиркорликни бошлаш хизматлари мавжуд.

1.1 – чизма.



1.1 – чизма. Мисрда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати

Манба: Business Climate Development Strategy. Phase 1 Policy Assessment Egypt. Dimension I-6 SME Policy and Promotion. June 2010. Partner: European Union. Report is issued under the authority of the Steering Groups of the MENA-OECD Initiative. маълумотлари асосида муаллиф томонидан муस्ताкил тузиб чиқилган.

Кичик тадбиркорликни инвестициялашда бизнес субъектларини давлатнинг фаол рағбатлантириш сиёсати юзасидан йирик хорижий корхоналар билан тадбиркорлик алоқаларини ривожлантириш. Ушбу сиёсат кичик ва ўрта тадбиркорликни халқаро бозорларга киришини ошириш, ривожланиш тажрибалари, молия ва технологияларни ўз ичига олади.

Мисрда кичик ва ўрта тадбиркорликни қатор вазирлик ва махсус қўмиталар ўз ваколати доираларида тартибга солиб туришади. Булар

қуйидаги ташкилотлар: Ижтимоий ривожланиш фонди, Савдо ва саноат вазирлиги, Инвестиция вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий таълим ва тадқиқотлар вазирлиги шулар жумласидандир.

Кичик ва ўрта корхоналарни давлат томонидан молиявий–иқтисодий қўллаб–қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Сабаби эндиgina яратилиб, оёққа тураётганда молиявий кўмакка муҳтож бўладилар.

Жаҳон амалиётида ҳам бу энг мураккаб масаладир, чунки улар таваккал қилиб иш кўрганлари ва гаровга қўядиган мол–мулклари етарли бўлмагани учун тижорат банклари кичик корхоналарга кредит беришни унча ҳушламайдилар.

Бу борада Ўзбекистонда ҳозирги вақтда давлат молия ресурслари, хорижий манбаларни қўллаган ҳолда, кичик ва ўрта корхоналарни молиявий қўллаб–қувватлашнинг комплекс тузилмаси шаклланди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш усуллари жаҳон тажрибаси ва орттирилган бой тажриба ҳамда кенг қўлламли илмий тадқиқот натижалари асосида амалга оширилади. Бизнесни қўллаб–қувватлаш усуллари ва методларини ташкил этиш ҳукумат даражасига олиб чиқилган бўлиб, буни турли давлат органлари ижро этадилар.

Хусусан, 1995 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қўллаб–қувватлаш Давлат дастури” қабул қилинган бўлиб, унда давлат ёрдамининг шакллари ва турлари, мутасадди ташкилотлар, кичик бизнесга ёрдам бериш учун маблағ олиш манбалари кўрсатилган.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида “Иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича бошқармалараро Кенгаш” ишлаб турибди. Кенгашнинг вазифаси Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб бериш, тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш шакллари белгилаш, кичик бизнеснинг умумий ғоясини яратишдир.

МАР да кичик ва ўрта корхоналарни институционал тартибга солиш усули

Қўллаб қувватлаш органлари	Илмий тадқиқот марказлари/ қўмиталар	Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш устуворликлари	Стратегия	Асосий фаолият	Изоҳ
Вазирликлараро	Ижтимоий ривожланиш фонди 1991 йилда ташкил этилган. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш ташкилоти	Микро кичик корхоналар. 2004 йил 141 Қонун асосида.	2008-2012 йилларда кичик ва ўрта корхоналарни миллий стратегиясини ривожлантириш.	Кичик тадбиркорликка молиявий ва бизнес-хизматлар тақдим этиш орқали қашшоқликка қарши кураш. Корхоналарни рўйхатга олишда административ жараёнларини енгиллаштириш.	Тасниф капитал ва иш ўринларига асосланади: Микро корхоналар: 50 000 МФ, 10 кишидан ортиқ. Кичик корхоналар: 50 000 дан 1 млн. МФ капитал, 50 кишидан ортиқ. Ўрта корхоналар: Саноат секторида – 10 млн. МФ дан ортиқ капитал, 50 дан 100 кишигача. Савдо ва хизмат секторида: 500 000 дан 2 млн. МФ гача капитал, 10 тадан 19 кишигача.
Савдо ва саноат вазирлиги	Индустриал модернизациялашув маркази. Саноат ривожланиш бошқармаси, 2005 йилда ташкил этилган.	Саноатдаги кичик ва ўрта тадбиркорлик.	2005-2025 йилларга саноат ривожланиш стратегияси. Индустриал модернизациялашув дастури.	Мавжуд етита секторларда экспортни кенгайтириш ва сифатни ошириш. Паст ривожланган олтита соҳаларда малакани ошириш ва инвестицион технологияларни кучайтириш. Саноат фаолияти учун ҳудудлар ва ускуналарни белгилаш.	Қўлам ва саноат фаолияти жиҳатидан. 10 киши.
Инвестициялар вазирлиги	Инвестициялар бош боқармаси	Бошқарма томонидан белгиланган кичик ва ўрта микдордаги инвестициялар.	Кичик ва ўрта микдорли инвестициялар. 2009 йилги стратегия.	Компанияларни рўйхатга олишни енгиллаштириш, офферта хизмати, инвесторларга ёрдам бериш ва Миср инвестицион имкониятларини ошириш.	Қўлам, айланма маблағи ва секторлари бўйича. Агро-саноат ишлаб чиқариш: 5 дан 150 гача киши, 20 млн. МФ айланма. Хизмат, Савдо ва ИКТ: 5 дан 50 гача киши, 10 млн. МФ айланма.
Молия вазирлиги	Кичик ва ўрта бизнес уюшмаларини ривожлантириш	Кичик ва ўрта тадбиркорлик	Микро, кичик ва ўрта тадбиркорлик. 2004 йилги стратегия.	Тадқиқот ва координациялаш	Аниқликлар мавжуд эмас.

Манба: Business Climate Development Strategy. Phase 1 Policy Assessment Egypt. Dimension I-6 SME Policy and Promotion. June 2010. Partner: European Union. маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил ишлаб чиқилган.

Мазкур кенгаш бизнес соҳасини ривожлантириш стратегиясини, йўналишини, қўллаб–қувватлаш усуллари, шакллари белгилайди.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ихтиёридаги “Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш Қўмитаси” тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратади ва такомиллаштириб боради. Қонун доирасида тадбиркор манфаатларини ҳимоялаш вазифаларини бажариб боради.

Вазирлар Маҳкамаси қошида кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича “Республика мувофиқлаштириш Кенгаши” фаолият кўрсатади. Унинг ихтиёрида бешта ишчи гуруҳлар ташкил этилган.

Бундан ташқари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш бўйича “Давлат мулк қўмитаси” ҳам иқтисодиётни ва тадбиркорлик шакллари яратишнинг ягона сиёсатини амалга ошириш бўйича жуда кўп муаммоларни ҳал қилади. Булардан ташқари, тадбиркорликни ўз–ўзини қўллаб–қувватлашнинг бир қанча шакллари яратилиб ривожланиб блормоқда. Масалан, хунрмандлар уюшмаси, деҳқон–фермер хўжалиги уюшмаси, ишбилармон аёллар уюшмаси, туризм ташкилотлари ассоциацияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқоридагиларга мисол сифатида Тошкент шаҳар “Бизнес - Фонди” ни олампиз. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 1074 – тартиб рақамидаги Қонунига мувофиқ, Жамғарма кичик ва ўрта корхоналарга имтиёзли керадитлар беради. Турли тижорат банклари Марказий банк кредит суммасининг қайтариш меъёрини белгилаб қўйган даражасидан келиб чиқиб, ўз ставкаларини белгилайди. Кичик ва ўрта иадбиркорлар учун кўпи билан кредит қайтариш 15% даражасида олинади. Лекин бу миқдор мижозни шарт – шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Банк бизнес фонд ўтказган пулни 10 иш кунида кредит сифатида мижозларга тарқатиши керак. Акс ҳолда, банк жамғармага 30% миқдорида пулидан ресурс сифатида тўлайди.

Юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган рўйхатдан бошланғич тадбиркорлар ўтганларидан сўнг ярим йил ичида 5% кредит олиш мумкин

ёки марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 6/1 қисми ҳажмида кредит берилади. Кичик корхона фермер хўжаликлари учун 300 минимал оклад миқдорида ва деҳқон хўжаликлари, оилавий тадбиркорларга дастлабки (старт) капитални шакллантириш учун 150 минимал оклад миқдорида микро кредитлар берилади (5 фоизлик). Имтиёз шундаки, 12 ойгача кредитнинг асосий фоизи тўланмайди (пеня тўланиб борилади. Баъзи тижорат банкларида кредит 36 ойга қилиб белгиланиб, шунинг бошланғич 6 ойида пеня тўланади, ундан сўнг асосий кредит суммаси ёпилади.). Бошқа ҳолатларда 18-24 ойдан кейин қайтарилади.

Микрокредит – кредитнинг бир шакли бўлиб, миллий валютада унинг миқдорини ўз фаолиятини юридик шахс бўлмай амалга ошираётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари учун 5000 АҚШ долларига тенг бўлади.

Дастлабки капитални шакллантириш учун кредитлар фақат юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига берилади. Бунинг учун улар давлат рўйхатидан ўтганларидан сўнг 6 ойдан кеч бўлмасдан ўз вақтида кредитлаш учун ариза берган бўлишлари керак. Нобюджет маблағлардан ажратилган имтиёзли кредитлар фоиз ставкаси банк маржасини ҳам ўз ичига олади. Дастлабки капитал учун нобюджет фонди ҳисобидан кредитлар 3 йил муддатгача берилади, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун эса 2 йилгача муддатга берилади.

Бизнес – фонд йўли билан кредитлар 10 йил муддатгача берилиб, бунда 2 йилдан 5 йилгача имтиёзли даврлар ажратилади. Бундай имтиёз лойиҳанинг қопланиш муддатига тенг бўлади.

Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаш йўли билан бериладиган кредитлар 3 йил муддатга берилади. Дастлабки капитални шакллантириш учун бериладиган кредитлар бўйича фоизлар кредитлар берилган кундан бошлаб ҳисобланади ва 12 ой ўтгандан сўнг қайтарилиши керак.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб–қувватланишининг аҳамияти юксак эканлигини эътиборга олган ҳолда бугунги кунда Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан рағбатлантириш ислохотлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллари белгиланиб, унга давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, шу йил доирасида бизнесни янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди.

Умуман олганда тадбиркорликка давлат томонидан кенг қўллаб–қувватлаш эътибор натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги ва замонавий босқичларда тараққий топмоқда. Шулардан бири мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ислохотларнинг самараси сифатида уларга нисбатан юритиладиган солиқ сиёсатини кўрсатиш мумкин. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик корхоналар учун соддалаштирилган солиққа тортиш тизимида ўтишни қўллаш тўғрисида” ги қарорига асосан ягона солиқни кичик корхоналар тўлайдилар. Улар учун аввалги умумдавлат ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига ягона солиқни жорий этилиши солиқ ҳисобини тузишни енгиллаштиришга олиб келди. Мамлакатимизда солиқ қонунчилигида ягона солиқ тўловчиларнинг ягона мезони мавжуд бўлиб, бу улардаги ишловчилар сонидир. Ягона солиқ бўлиши учун ишловчи сони белгиланган миқдордан ошмаслиги лозим.

1.3. Хорижий мамлакатларда кичик тадбиркорлик ва уни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш

Кичик тадбиркорлик ривожланиши ва унинг давлат томонидан тартибга солиниши зарурият бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, хорижий мамлакатларда кичик бизнес ривожланишини давлат томонидан қўллаб–қувватлаш тизимларини кўриб ўтсак.

Ривожланиш темплари бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланган Хитой Халқ Республикаси томонидан амалга оширилган ва ишлаб чиқилган “Хитой иқтисодий мўъжизаси” деб номланувчи иқтисодий тараққиёт модели бугунги кунда кўзланган натижаларни бера бошламоқда. Энг аввало ривожланиш модели тўғрисида қисқагина тўхталиб ўтсак. Сабаби тараққиёт модели миллий иқтисодиётда ислохотлар учун эмас балки, мамлакатни истиқболли ривожлантириш учунлиги ҳеч кимга сир эмас.

Иқтисодий тараққиёт модели тўғрисида фикр юритилар экан, энг аввало, «модел» тушунчасининг моҳияти бўйича илмий қарашларни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий адабиётларда «модел» тушунчасининг моҳиятига нисбатан турли хил ёндошувлар мавжуд бўлиб, баъзилар уни давлат тизими сифатида талқин қилсалар, баъзилар ижтимоий-иқтисодий формация деб атайдилар, яна бошқа бир гуруҳ олимлар фикрича эса модел - бу ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларини белгилашдан иборат. Албатта, бу таърифлар «модел» тушунчасининг у ёки бу жиҳатини очиб беришга хизмат қилади, чунки улар жамият ривожланишининг алоҳида хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бизнинг фикримизча, қуйидаги таъриф «модел» тушунчасининг моҳиятини тўлароқ ва аниқроқ акс эттиради: «модел - иқтисодий базиснинг асосини ташкил қилувчи кенг кўламли иқтисодий муносабатлар тизими бўлиб, ҳуқуқий, маъмурий, хўжалик (банк, кредит, солиқ ва бошқалар) механизмлари ёрдамида тартибга солинади»¹¹.

Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ҳукумати кичик тадбиркорлик ривожланишига катта аҳамият қаратаётган бўлиб, айнан мазкур сектор янги иш ўринларини ташкил этмоқда, бу эса ўз навбатида инновацион технологияларни янгилаб беради. Хусусан 2006 йил мамлакатда жуда улкан миқдорда “юқори технологияли кўмаклар сабабли ресурс талаб ишлаб чиқаришга ўтилди” дейиш мумкин. Шунга қарамай, Хитой Республикаси кичик тадбиркорлиги ушбу секторни кредитлаш дастурлари имкониятларини

¹¹ Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. - Т.: Ўқитувчи, 2000. – С.9

янада кенгайтириш, инвестицияларни жалб этиш каби давлат томонидан кўшимча равишда қўллаб–қувватлаш масалаларига эҳтиёж сезмоқда. Масалалар ечимини англаб етган мамлакат ҳукумати кичик бизнес корхоналари иқтисодий ўсишини кенг имкониятларда рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда, хусусан кичик бизнес фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий қонунчиликни ва кичик корхоналар солиқ сиёсатини такомиллаштирмоқда.

Соҳага оид қонунлардан асосийси 2002 йилда қабул қилинган “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қонун” кичик тадбиркорлик корхоналари имкониятларини тенглаштирди, унда бир қадар кредитлаш, инвестициялар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, информацион ва илм талаб технологияларни татбиқ этиш масаларини ўз ичига олган. Бошқа давлатлар каби Хитойда ҳам, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашувчи давлат фондлари барпо этилмоқда ва фаол тарзда такомиллаштирилмоқда. Мазкур жамғармаларнинг асосий роли ва вазифалари, тадбиркорлик учун банк кредитларини олиш имкониятларини кичик бизнес корхоналарига гаров ва кафолат мажбуриятларини таъминлашдан иборат. Бунинг учун Хитой Коммунистик партияси “Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш давлат фондлари” ни барпо этиш тўғрисида махсус низом ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Мазкур жамғарма кичик тадбиркорликни ривожлантириш катализатори сифатида Хитой бюджетидан молиялаштирилади. Давлат фонди иқтисодиётнинг барча соҳаларида кичик тадбиркорлик корхоналари манфаатларини йирик компанияларга қарши курашда ҳимоя қилиши тан олинган бўлиб, уларни солиқ имтиёзлари, молиялаштириш, ўз даромадларини қонуний ҳимоялашни таъминлайди. Хитойнинг мамлакатни ривожлантириш давлат дастурида кичик ва ўрта тадбиркорликни комплекс ривожлантириш ҳисобига халқ хўжалиги фаолиятини самарали ошириш ва етарлича конкрет иқтисодий ўсишга эришиш кўзда тутилган. Хусусан дастурнинг тасдиқланиши Хитой иқтисодиётини тўлиғича модернизациялаш

ҳисобига олинган бўлиб, даврийлиги 2020-2050 йилларни ўз ичига олади. Шундай давлат дастурларидан бири 2003 йил қабул қилинган мамлакатни 2020 йилгача ижтимоий–иқсодий ривожлантириш дастурида 2050 йилга иқтисодиётнинг барча соҳаларини тўлиғича модернизациялаш кўзда тутилган. 2003 йилдан сўнг ХХР да кичик бизнес ривожланиши мислсиз даражада ошганлиги қайд этилган, унда корхоналар рентабеллиги ошди, марказий бюджетга солиқ тушумлари ортди. Бундай даражадаги кескин ривожланишнинг таъминланиши, энг аввало кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлик сонининг ошиши билан изоҳланади.

ХХР давлат статистика қўмитаси 2005–2013 йилларга мамлакатда қуйидаги кўрсаткичларни маълум қилди. Унда 2005 йил Хитойда 3 миллионта корхоналар ва деярли 30 миллионга яқин якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳисобга олинган бўлиб, 2013 йилга келиб уларнинг сони 100 миллиондан ошиб кетди. Бу борада, кичик бизнес корхоналари мамлакатдаги корхоналар умумий сонидан кўпни ташкил қилади. Юқорида келтирилганлардан билиш мумкинки, нима учун Хитойда кичик бизнес иқтисодиётнинг асосий қон томирига айланган. Сабаби, айнан кичик бизнесда ХХР меҳнатга лаёқатли аҳолисининг қарийиб 60% банд. Агарда Хитой кичик тадбиркорлигига сифат жиҳатидан характеристика берадиган бўлсак, у ҳолда кичик бизнес мамлакатнинг илмий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, негаки мазкур секторда энг кўп инновацион маҳсулотлар, кашфиётлар ва техник ишланмалар ишлаб чиқарилади. Айнан кичик тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари мамлакат экспорт товарларининг асосий қисмини ташкил этади. Шу жумладан Хитойда кичик тадбиркорликни қўллаб–қувватловчи асосий давлат органлари – Тадбиркорликни координациялаш ва кооперациялаш бўйича Хитой маркази ҳисобланади. Мазкур марказнинг асосий вазифалари тадбиркорликни тартибга солиш соҳасида миллий ва хорижий ташкилотлар ўртасидаги технологик ҳамкорлик учун зарурий инфратузилмаларни барпо этишдир. Марказ ташаббуси билан кичик бизнесни қўллаб–қувватлаш юзасидан консультация ва малумотлар

амалга оширилмоқда, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришда савдо ярмаркалари ва кўргазмалари ташкил этилмоқда, кичик бизнес ривожланиш муаммоларини тадқиқ этиш бўйича семинар ва конференциялар ўтказилмоқда ҳамда дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Шу каби яна бир муҳим орган 2001 йилда ташкил этилган давлат информацион хизмати CSMEО мавжуд. Ушбу координацион марказ асосан ўзининг Интернетдаги сайти орқали кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолияти масалаларида аҳоли ва ташкилотларга информацион хизмат кўрсатади. CSMEО тармоғи Хитойнинг барча минтақа ва шаҳарларини қамраб олиб, ўз навбатида меҳнат бозори ҳолати, амалдаги қонунчилик ўзгариши, сўнгги илмий–техникавий ютуқ ва технологик янгиликлар ҳақида, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ривожланиши ҳолати тўғрисида маълумотлар билан таъминлайди.

Юқорида Хитой Халқ Ресбуликасининг кичик тадбиркорликни қўллаб–қувватлаш ва ривожлантириш ислоҳотлари баёнидан мамлакатнинг истиқболли иқтисодий тараққиёти ҳозирги кунда кичик бизнес билан чамбарчас боғлиқлигини билиш мумкин. Энди жаҳон иқтисодиётида гегемон давлат ҳисобланган Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) давлатининг кичик тадбиркорлик ривожланиш ислоҳотларини тадқиқ қилиб ўтсак.

Америка Қўшма Штатларида кичик бизнес ўзининг ривожланиш даврини Буюк Депрессия асри билан боғлайди, шунинг учун унинг даражаси ханузгача барқарор бўлиб келмоқда. Федерал дастурлари эндигина бир қанча давлатларда ишлаб чиқиш бошланмоқда эди, АҚШ да бу 1932 йилга тўғри келади. Депрессия шароити давлатдан уруш натижаси инқирозга кирган кичик тадбиркорлик субъектларини субсидиялаштиришни тақозо қиларди. Ана шу вақтда айнан кичик бизнес Америкада иш ўринларини барпо эта бошлади. 1953 йилда Америкада Федерал агентлик – АҚШ кичик тадбиркорлик ишлари бўйича администрация ташкил этилди ва шу вақтдан буён ҳукумат даражасида кичик бизнес манфаталарини ҳимоялаб келмоқда. Шунингдек, мазкур ташкилотнинг қатор филиаллари барча йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, кичик бизнесни қўллаб–қувватлаш сиёсати

нафақат АҚШ нинг асосий иқтисодий марказларида балки, барча штатларга ёйилмоқда. Администрация ва унинг барча филиалларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик учун кредит олишга ёрдам бериш;
- АҚШ да кичик бизнесни техник ва информацион қўллаб–қувватлаш;
- бизнесга кредитлар бўйича кафолатлар тақдим этиш;
- шахсий бюджет ҳисобидан кичик тадбиркорликни бевосита субсидиялаш ва кредитлаш.

АҚШ да кичик тадбиркорлик кўламини белгилаш бўйича критериялар тизими кучли ривожланган. Ушбу критериялар кичик тадбиркорлик фаолияти ва унинг ишлаётган соҳасига боғлиқдир. Унда корхоналардаги ишчилар, баъзан айланма ва даромадларига кўра критерияланади. Федерал агентликдан ташқари кичик тадбиркорлик корхоналари муносабатларида ҳуқуқий қонунчиликка риоя қилиш учун Конгресс ва суд ишларида тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус Адвокатлик бўлими ташкил этилди. Америка ҳукумати иқтисодиётни ривожлантириш концепцияларида кичик бизнесни энг асосий ўринларга олиб чиқади. Ҳукумат вазирлари маърузаларида кичик тадбиркорлик иқтисодиётни тўлиғича соғломлаштирувчи ягона куч деган фикрга доимий равишда тўхталаверишади. Шулардан келиб чиқиб, қисқагина фикр билдирамиз. “Кичик тадбиркорлик корхоналари ўз вақтида мустақил ривожланишга эҳтиёж сезади, ҳар қанақанги солиқ ва тўловлардан озод бўлиши керак (маълум муддат)”.

Ўша вақтларда кичик бизнес АҚШ да аввалдан иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан ҳисобланиб, у давлат даражасига кўтарилган. Американинг тадбиркорликни барпо этишнинг турли дастурлари тажрибаси жуда қадрланган, хусусан барча дастурлар реал ишлайди, шу билан бирга уларни амалга ошириш механизмлари конкрет кўриб чиқилган.

Германияда кичик тадбиркорлик иқтисодиётнинг фаол ривожланаётган секторларидан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг молиявий ва технологик

қўллаб–қувватланиши ҳукумат тармоқларининг барча бўғинларида бир даражада амалга оширилади. Германияда кичик бизнес ривожланишига кўмаклашиш дастурлари қатор ривожланган давлатларда бўлгани каби, энг аввало ишлаб чиқаришнинг илм талаб соҳаларини қўллаб–қувватлаш устувор аҳамият сифатида қаралади. Кичик тадбиркорликни кредитлаш имтиёзлари давлат органлари томонидан амалга оширилиб, қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- инновацион фаолиятга йўналтирилган кичик ва ўрта корхоналарни кредитлаш;

- атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ қулай экологик ҳолатни сақлаш ва яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни кредитлаш;

- мамлакатнинг қолоқ иқтисодий минтақаларини ривожлантиришда иштирок этувчи кичик бизнесни кредитлаш;

- уй–жойларни қуриш ва ундаги муаммоларни бартараф этиш билан шуғулланувчи корхоналарни кредитлаш;

- ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялашга эҳтиёж сезувчи маълум соҳаларда банд корхоналарни лойиҳавий молиялаштириш.

Германияда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги асосий дастурлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. “Кичик ва ўрта бизнес корхоналар муносабатларида илмий–техникавий сиёсатни ривожлантириш концепцияси”;

2. “Ўз бизнесини яратиш учун жамғармаларни барқарорлаштириш - «start-up» ” дастурлари шулар жумласидандир.

Тиклаш бўйича кредит кенгаши бевосита федерал ҳукуматга бўйсуниб, юқоридаги икки дастурлар амалга ошишини назорат қилади ва улар бажарилиши механизмларини таъминлайди. Федерал дастур амалга оширилиш доирасида тадбиркорликка имтиёзли шартларда кредитлар тақдим этишни акс эттиради. Мазкур шартлар паст фоизли (5-8%) ставкаларда ва узоқ муддатли (5-15 йиллар) кредитлашни кўзда тутди. Қайд этамизки, кичик тадбиркорлик Германияда ўз хусусияти ва ривожланиш тарихига эга.

Қисман, илк йирик тадбиркорлик пайдо бўлиши билан юзага келган капитализм давриданок Германияда ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланиш натижасида савдо–саноат палаталари пайдо бўла бошлаган. Ҳозирги вақтда савдо–саноат палаталари ривожланиши давлат органлари даражасигача чиқишган ва ҳозирда ҳар бир тадбиркор палата таркибига киришга мажбурдир. Мамлакатда кичик тадбиркорликка алоқадор ҳеч бир ҳуқуқий акт савдо–саноат палатаси келишуви ва тасдиғисиз маъқулланмайди. Германия савдо–саноат палатаси ассоциацияси ўзида барча палаталарни бирлаштиради ва тадбиркорлар қизиқиш ва манфаатларини ҳукумат даражасида акс эттиради. Мазкур ассоциациянинг асосий вазифаси Европа иттифоқи давлатлар савдо–саноат палаталари вакиллари билан яқин ҳамкорлик ишларини олиб боришдан иборат. Улар ўз навбатида Европа ҳамжамияти савдо–саноат палаталар бирлашмасини акс эттиради.

Ҳозирги вақтда Германия савдо–саноат палаталари кичик тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган барча даражадаги бюджетларни шакллантиришда, қурилиш ва саноат ривожланишида, қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишади. Савдо–саноат палаталари жамият ҳаётининг барча соҳаларида катта аҳамиятга эга бўлиб, маҳаллий ўз–ўзини бошқариш органлари йиғилишларида қатнашишади, мамлакат ривожланишида муҳим ижтимоий–иқтисодий ечимлар қабул қилишади. Бу тўлиқ инфратузилма бўлиб, ОАВ вакиллари ва консултацион хизматлар иштирок этади. Палатанинг асосий устувор вазифаси – мамлакат кичик бизнесини қўллаб–қувватлашдир.

Япония кичик бизнеси. Уруш йилларидан сўнгги даврларда кучли техник–иқтисодий мўъжизалар мамлакатни жаҳоннинг энг юқори ривожланган учта давлатлари қаторига олиб чиқди. Ушбу марра кичик тадбиркорликни давлат томонидан кучли ва конкрет қўлаб–қувватланиши эвазига юз берди. Шубҳасиз, машиналар, техникалар ва инновацион маҳсулотларнинг илм талаб ишлаб чиқарилиши бўйича жаҳоннинг кўплаб машҳур компания ва концернлари айнан Японияда жойлашган бўлиб, кичик

тадбиркорлик мамлакат саноати умумий миқдорининг 40% ни ташкил этади. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Японияда кичик бизнес қурилиш, енгил саноат, хизмат кўсartiш соҳаларида катта аҳамиятга эга. Илм талаб ишлаб чиқариш асосан йирик компаниялар томонидан амалга оширилади. Айнан шунинг ўзи мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий вазифаси ҳисобланади. Японияда кичик тадбиркорликнинг инновацион юқори технологияли ишлаб чиқарилишининг рағбатлантирилиши хусусиятлидир. Японияда кичик тадбиркорлик корхоналарига тааллуқли қабул қилинаётган ҳуқуқий актлар кичик бизнес мавқеи ва унинг имтиёзларини белгилайди. Имтиёзлар махсус солиқ тўловларни кўзда тутиб, корхоналар фаолият турига боғлиқ. Қонун лойиҳаларнинг муҳим қисми мамлакатнинг монополияга қарши қонунчилигини тартибга солишига йўналтирилади. Япония қонунчилиги маҳсулот бозор қийматининг ошиш ва пасайиш даражасини етарлича қаттиқ тартибга солади ва чегаралайди. Корхоналар ва тадбиркорларнинг асоссиз чегирмалари ёки аксинча спекулятив нархлар уларнинг бизнес фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқлари бекор қилинади. Мазкур шартлар истисносиз барча компанияларга тааллуқлидир. Бозор механизмларининг кучли ривожланганлиги асоссиз нархлар ўзгариши ва инфляцияни бир меъёردа ушлаб қолинишига олиб келмоқда. Шу борада, бошқарув аппаратининг тенглик принциплари мамлакатда кичик тадбиркорлик тараққиёти учун яхши шарт–шароитлар яратмоқда. Япония кичик тадбиркорлик корхоналари фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш бўйича давлат органи, Ташқи савдо ва саноат вазирлигига бўйсунувчи кичик тадбиркорлик бошқармаси ҳисобланади. Мазкур бошқарма монополияга қарши қонунчиликка риоя қилишини назорат қилади, мамлакат кичик бизнес манфаатларини давлат даражасида таъминлаш, мулкдорлар назоратини чеклаш, бозор тизимларига тааллуқсиз шартнома муносабатларида пудратчи, бажарувчи ва буюртмачилар мажбуриятларини беглилайди. Кичик тадбиркорликни кредитлаш механизмларини таъминлаш ва заёмларни тақдим этиш учун давлат кичик ва ўрта бизнесни суғурталаш

корпорацияси, ҳамда кредитларни кафолатлаш ассоциацияси ташкил этишни кўзда тутди. Худди шу турдаги кичик бизнесни қўллаб–қувватлаш ва ривожлантириш давлат жамғармалари каби аналогик ташкилотлар Хитой, АҚШ ва бошқа давлатларда барпо этилган.

Японияда кичик бизнес корхоналарини рағбатлантириш барча даражаларда олиб борилади. Мазкур жараён марказий ҳокимиятдан бошлаб кичик тадбиркорликнинг мустақил иттифоқлари ва бирлашмалари каби комплекс циклни ўз ичига олади. Илмталаб ва юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этишда бевосита қатнашувчи кичик тадбиркорлик корхоналари ҳаёт циклининг барча босқичларини марказий ҳокимият ва маҳаллий ўз–ўзини бошқариш органлари субсидиялаштиради. Давлат шу турдаги тадбиркорликка кредитлар ажратади ва кафолатлайди. Япониянинг тадбиркорликни марказлаштирилган қўллаб–қувватлашларидан махсус марказлар, нотижорат ташкилотлари кадрларни ўқитиш, ҳамда консултив–информацион ёрдам ва шунга ўхшаш масалаларни амалга оширади.

Тадбиркорлик учун имтиёзли шартларда субсидиялар, заёмлар, кредитлар қуйидаги мақсадларда тақдим этилади:

- илм талаб корхоналарни такомиллаштириш, модернизациялаш ва ишлаб чиқариш–материал базаларини қайта таъминлаш;
- институт ва университетлар билан ҳамкорликда инновацион лойиҳалар, янгиликлар, кашфиётлар ишлаб чиқиш;
- енгил ва озиқ–овқат саноатини ривожлантириш;
- янги технологияли (кашфиёт) ва янги турдаги маҳсулотларни яратиш;
- мамлакатнинг саноати қалоқ минтақаларида янги кичик тадбиркорлик корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш.

Сингапурда кичик тадбиркорлик ривожланишига тўхталадиган бўлсак, шуни қайд этиб ўтишимиз керакки, мамлакат нефт маҳсулотларини қайта ишлаш ва ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш жиҳатидан дунёнинг энг йирик марказларидан саналади. Тасаввур этиш қийин, агарда Сингапур ЯИМ

ни жами аҳоли киши бошига тақсимлаб чиқадиган бўлсак, у ҳолда ҳар бир кишига 25 минг АҚШ долларида тўғри келади. Жаҳоннинг кўплаб молиячи мутахассислари фикрича, Сингапур кичик бизнесни очиш ва юритиш учун идеал жой ҳисобланади.

Сингапур нафақат айнан жаҳоннинг 3000 дан ортиқ энг йирик компаниялари бўлимлари жойлашган мамлакат, балки ажойиб молиявий инфратузилмаларга эга давлат ҳисобланади.

Биринчидан, мамлакатда қулай инвестицион иқлим барпо этилган. Қисман, хорижий капиталлар ва инвестициялар, даромадлар ўтказмаларига бож тўловларининг мавжуд эмаслиги, капитал қўйилмаларнинг кафолатли таъминланганлиги билан боғлиқ кичик бизнес муносабатларида имтиёзли солиқ сиёсати фаолият кўрсатади.

Иккинчидан, мамлакатда кичик бизнес асослари ҳисобланган савдо, транспорт, коммуникация, молиявий, туристик каби турли хизматлар кўрсатиш мавжуд. Бунинг устига мазкур соҳаларда мамлакат аҳолисининг энг катта қисми банд (қарийб 70-80%). Сингапур аҳолисининг кўп қисми яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланишса, қолган қисми турли компания акциялари эгалари ҳисобланишади. Мамлакатда ўрта табақа умумий аҳолининг 80% гача бўлган улушини ташкил этади.

Учинчидан, кичик бизнесни очишга ва бевосита у билан шуғулланишга жуда қулай иқлим барпо этилган. Ушбу барча шароитлар қонунан мустаҳкамлаб қўйилган ва ижроси қатъий бажарилади. Махсус имтиёзлар ўз бизнесини бошлаётган кичик ва ўрта тадбиркорларга тақдим этилади.

“CNN Time Warner Group” халқаро экспертлари таҳлилларига кўра Сингапур кичик тадбиркорлик ривожланиши бўйича 5 ўринни эгаллайди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мамлакатда кичик ва ўрта бизнес ягона ҳал қилувчи гуруҳларни ташкил этишади. Аслида ушбу фикрни биргина кичик тадбиркорлик корхоналарида фаолият кўрсатаётган ишчилар салмоғидан ҳам билиш мумкин. Уларнинг сони икки юздан ошмайди. Ушбу гуруҳларни икки категорияга бўлинади. Биринчи категорияга тегишлилар ресторан,

мехмонхона, туризм, қурилиш, савдо бизнесини барпо этиш ва ривожлантириш каби турли хизмат соҳаларида банд. Шу билан бирга кичик бизнес ўзининг қатъий стандартларига эга. Андозалар жойларни қуришдан бошланиб то юқори малакали ишчиларгача бўлган циклни ташкил этади. Шунинг эвазига мамлакатга ҳар йили 6 миллиондан ортиқ туристлар ташриф буюришади.

Кичик тадбиркорликнинг иккинчи гуруҳи ишлаб чиқариш соҳасида, жумладан инновацион технологияли ва юқори технологик ишлаб чиқаришни татбиқ этиш соҳасида машғул. Сингапур давлат сиёсати корхоналарнинг яқин ҳамкорлиги ва иттифоқларга бирлашишга йўналтирилган. Ислохотларнинг барчаси янги замонавий технологияларни ишга тушириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳаларида самарали меҳнат тақсимоти мақсадида амалга оширилмоқда. Мамлакатда 140 мингдан ортиқ кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ҳисобга олинган бўлиб, бу тахминан мамлакатдаги барча корхоналарнинг 90% ни ташкил этади. Кичик бизнес мамлакат аҳолиси бандлигининг салмоқли қисмини ташкил этиши билан биргаликда бандликнинг йилига 5-6% дан ўсишини таъминлайди. Кичик тадбиркорликнинг шундай кучли муваффақиятлари давлатнинг қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсатисиз юз бермайди. Қисман, давлат кичик ва ўрта бизнесга кўмаклашишдан манфаатдор. Сабаби улар орқали Сингапур ўзининг халқаро аренадаги обрў-эътибори ва рақобатбардошлигини ошира олади.

Мамлакатда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун махсус “Spring” агентлиги барпо этилган. Агентлик кичик бизнесга кўмаклашиш бўйича турли дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади. Мазкур ишлардаги асосий йўналишлар қуйидагилар ҳисобланади:

- кичик бизнес компаниялари тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш;

- тадбиркорларга консалтинг, бухгалтерлик, информацион хизматлар кўрсатиш;

- тадбиркорлар фаолияти соҳаси бўйича уларга аниқ кўмаклар бериш;
- маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш сифати ва стандартларига эришиш;
- кичик тадбиркорлик корхоналари тузилмаларини такомиллаштириш;
- кичик бизнес бошқаруви учун кадрлар тайёрлаш.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кичик бизнесни кредитлаш кичик тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳаётий зарурий омили ҳисобланади. Сингапурда турли юзлаб имтиёзли кредитлаш дастурлари татбиқ қилинган. Дастурларга манфаатли шароитларда махсус заёмлар, кредит хавфларини суғурталаш, субсидиялаш масалалари киритилган. Ишчилар сони 10 кишидан ошмаган микро корхоналарга махсус имтиёзли кредитлаш шароитлари яратилган. Умуман мамлакат кредит – банк тизими давлат томонидан тўлиғича тартибга солинади ва назорат қилинади, шу билан биргаликда доимий равишда кредит ставкалари пасайтирилади. Давлат кичик бизнесда бандлик кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ҳаражатларини ўз ҳисобидан қоплайди. Бунинг учун мамлакатда давлат ва хусусий ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Сингапурда кичик бизнеснинг турли соҳаларида андоза, меъёрларга риоя қилишни назорат қилувчи давлат органлари барпо этилганлигига қарамай амалдорлар бюрократияси минимум даражада кузатилади. Кичик бизнес ҳолатини самарали мониторинги учун назорат зарур, у ёки бу турдаги корхоналар ускуналарини модернизациялаш зарур. Қайд этиб ўтишимиз керакки, мансабдор шахсларни пора эвазига сотиб олиш амалда 100% истисно қилинади. Мансабдорларга қандайдир бир совғалар олиш, биргаликда ресторанларга бориш ва ҳаказолар қатъиян тақиқланади.

II БОБ. МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

2.1. Кичик тадбиркорлик ривожланишининг Мисрдаги тенденциялари

Миср Араб Республикасида кичик тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этадиган бўлсак шуни қайд этиб ўтишимиз зарурки, мамлакатдаги асосий йирик тадбиркорлар эмигрантлар ҳисобланади. Улар асосан руслар, украинлар, европаликлардан иборат. Энг сердаромад компаниялар нефт ва газни қайта ишловчи корхоналар ҳисобланиб, етарлича тор доирадаги бизнесменларга тегишли, шунинг учун ҳам кичик тадбиркорлик вакиллари ўз манфаатларини қишлоқ хўжалиги, савдо, туризм, меҳмонхона бизнесидан қидиришади. Бироқ, Миср қишлоқ хўжалиги ҳозирги вақтда яхши аҳволда эмас. Агар, авваллари мамлакат аҳолисининг яримидан кўпи аграр секторда банд бўлишган бўлса, ҳозирда соҳада аҳолининг қарийб 25% машғул. Бироқ, ер, ўғитлар, қўшимча ҳаражатлар ҳар йили ўсмоқда, натижада унинг қиймати ошмоқда, шу билан биргаликда хурмо, пахта, полизчилик ўсимликлари нархи ҳам ортмоқда. Ҳозирги вақтда кўплаб қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар ташландиқ аҳволда, ёхуд хусусий шахслар томонидан уй–жойлар, меҳмонхоналар қуриб ташланган.

Мисрда кичик бизнес ривожланиши туризм тараққиёти билан боғлиқ. 80-90 йилларда мамлакат жаҳоннинг энг машҳур дам оладиган жойларидан ҳисобланган. Эмигрантлар ерга арзимас нарх тўлаб фойдаланишади, интенсив равишда сайёҳлар учун меҳмонхоналар, мотеллар қуришган. Туристлар меҳмонхоналарнинг ўзидан ёки шу атрофдан хизматнинг (сартарошхона, магазинлар, барлар, ресторанлар) кўплаб турларидан фойдаланишади. Бироқ, мамлакатдаги кичик тадбиркорлик ривожланишидаги муаммолардан бири бизнеснинг айнан хорижликлар қўлида қолиб кетиши ҳисобланади. Ҳар бир маҳаллий мисрлик ўз бинесини

яратганда эмигрант шахсга рақобатдош бўлади, бошқача айтганда “янги” мисрликларга рақобатчи бўлишади. Миср мустамлакадан қутулган даврдан бошлаб аҳолининг қарийб жамғармаси мавжуд бўлмаган эди. Шу сабабдан молиявий ҳолати кучли хорижликлар кичик тадбиркорликка йирик ҳажмли инвестиция киритиш имкониятига эга бўлди. Мисрда ташриф буюрган туристларнинг кўпчилиги ушбу ерда кичик бизнес билан шуғулланиш имкониятлари кўплигини англашади. Худди шунингдек, улар босқичма–босқич ишлаб чиқариш, фермерлик соҳаларини ўзлаштира бошлаб, маҳаллий аҳолига қулай хизматларни таклиф эта бошлаган. Шундан сўнг йирик хорижий компаниялар ўз воситаларини Миср кичик тадбиркорлигига қатъий равишда йўналтира бошлашган. Мазкур вазиятлар 1997 йилгача тинч аҳволда давом этган бўлиб, айнан шу йилдан сўнг “Мурдалар шаҳри” ибодатхонасидаги экскурсия вақтида террористлар француз, швейцария, япониялик сайёҳларни ўққа тутишган. Шу сабаб эмигрант–тадбиркорлар катта миқдордаги инвестицияларини АҚШ ва Европа давлатларига олиб чиқиб кетишган. Кўплаб магазинлар, барлар, меҳмонхоналар, гўзаллик салонларини маҳаллий мисрлик тадбиркорларга арзон нархларда сота бошлашган. Эндиликда кичик тадбиркорлик мисрликлар қўлида қолиб кета бошлади. Бироқ, тажрибасиз маҳаллий тадбиркорлар меҳмонхона, магазин ва бошқа объектларни бошқариш улар орқасидан даромад олиш масалалари уларга ҳақиқий муаммога айланиб қолган.

Умуман олиб қараганда Мисрда тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари юқорида баён қилинганидек, аввало бизнес хорижликлар қўлида тўпланаган бўлса, кейинчалик мамлакатдаги тартибсизликлар ва турли шу каби воқеа, ҳодисалар туфайли чет эл фуқаролари ўз маблағларини бошқа давлатларга олиб чиқиб кета бошлаши натижасида бўшаб қолган объектлар катта миқдорда пул маблағларини талаб қила бошлади. Шу сабабдан кўплаб ўз тадбиркорлик мавқеига эга бўлган ва бўлишни истаган мисрликлар пул топиш мақсадида турли давлатларга мигрант сифатида

чиқиб кета бошладди. Айнан мазкур воқеа ҳам мамлакатда **кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденцияларига** туртки берган.

Шу тарзда Миср халқаро миграция марказига айлана борди. Маълумки, меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида ишчи кучи мобиллиги халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклларида бири ҳисобланган халқаро миграция тури пайдо бўла бошлади.

60–70 йилларда ишчи кучлари оқимининг янги минтақавий марказлари юзага келди. Ушбу марказлар сонига айнан Кувайт, БАА ва бошқа давлатлар тааллуқли бўлишган. Айнан мазкур минтақа ва давлатларга асосий экспортёр мамлакат Миср (75%) ҳисобланиб, асосан кичик тадбиркорлик билан шуғулланишга ихтисослашган. Сабаби МАР ишчи кучи сиёсатида турли соҳа вакилларининг ҳам малакали бўлишини таъминлар эди.

Миср қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорлик ривожланиши 70–йилларга тўғри келади. Айнан ушбу йиллар ишчи кучининг оммавий миграцияси 1971-1979 йилларда аграр соҳа ишчиларининг кунлик иш ҳақи тўрт маротаба ошишига олиб келди, бироқ аграр соҳадаги иш ҳақи саноат ва қурилиш соҳаларидаги маошга солиштирилганда унинг қиймати абсолют миқдорлардан 2–2.5 марта паст ҳисобланган. 60–йилларда аграр соҳадаги кичик тадбиркорликнинг секинлик билан кўтарилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муваффақиятли ошишига олиб келиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсиш тепмлари йиллик 3–3.5% ларни ташкил этди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик 70–80 йилларда йиллик 1.5–2% лардан ошмади. Иқтисодиётнинг муҳим ҳисобланган секторларидаги ўсиш тепмларининг бундай қисқариши қатор омиллар билан узвий боғлиқдир. Биринчидан, “очиқ эшиклар” сиёсатининг амалга оширилиши мамлакат халқ хўжалигининг бир томонлама ривожланишига олиб келди. Сиёсат ноишлаб чиқариш томон йўналиб қолган эди. Масалан, 1961-1965 йиллардан 1973-1982 йилларгача қишлоқ хўжалигининг барча капитал қўйилмалардаги улуши 20 фоиздан 8-9% гача қисқарди. Бу эса ўз

навбатида соҳанинг ҳукумат даражада модернизациялаш имконини бермади. Иккинчидан, айнан мазкур даврларда ҳукуматнинг аграр сиёсати йирик капиталистик хўжаликни ифодалаб берди. Масалан ижтимоий йўналганлик давлат сиёсати кредитлар тақсимотига олиб келади. 70-йилларнинг охирида кичик ишлаб чиқарувчилар йилига киши бошига 26.8 фаддан ёки 20.54 фаддан ер олишди, ўша вақтда йирик хўжалик эгалари 517.54 фаддандан ерларга эга бўлишган.

Миср эмигрантлар сони бўйича жаҳонда 12 ўринни эгаллайди. 2005 йилда Мисрлик эмигрантлар 2.399 мингга етиб, қарийб аҳолининг 3.2% ташкил қилди. Асосий қабул қилувчи давлатлар: Саудия Арабистони, БАА, Кувайт ва Уммон, қатор ЕИ (Италия, Англия, Германия, Греция, Голландия), АҚШ, Канада ва Австралия давлатлари ҳисобланишади. ЕИ да мисрлик мигрантлар юқори концентрацияси вужудга келди. Бу эса, Италия - 40%, Англия – 23%, Германия – 10%, Голландияда – 10% мисрликларни ташкил қилди (Миср аҳолисига нисбатан).

Миср аҳолиси қарийб жами араб давлатлари орасида саводхонлик даражаси анчайин юқори ўринларни эгаллайди. Айнан шу омилнинг ўзи ҳам мамлакатда кичик тадбиркорлик тараққий топишидаги муҳим факторлардан бири ҳисобланади. Миср ҳар доим Форс Кўрфази араб давлатларига кўплаб малакали мутахассисларни етказиб беради. Шу билан биргаликда юқорида баён қилиб ўтқанимиздай Миср ЕИ давлатлари ва Шимолий Америкага ҳам олий маълумотли кадрлар етказиб беради. Шу боис араб давлатларига мигрантларнинг даврий оқимлари йилдан-йилга ошиб боради. Даврий мигрантлар оқимининг турли шакллари мавжуд. Хусусан, давлат ва жамоат органлари орқали расмий равишда хизмат сафарларига, ҳамда Миср компанияларида ишловчи ҳамкорлар, асосан қурилиш секторларида ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятлари шулар жумласидандир. Бироқ, мазкур масалаларнинг ҳам ўзига хос муаммолари мавжуд. Хусусан, даврий мигрантлар оқимида асосан эркаклар жалб қилиниб, уларнинг улуши меҳнат мигрантларининг 90% ташкил қилади.


Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари мамлакат аҳолисининг шахсий маблағлари етарли эмаслиги шу билан биргаликда ҳукуматнинг кичик тадбиркорликни рағбатлантиришга молиявий жамғармаларнинг кучсизлиги таъсирида тадбиркорлик ривожланиш темплари анча босқичларни босиб ўтди.

Мамлакатдаги юқори даражадаги ишсизлик, маълумотли аҳоли орасида миграцияга бўлган оммавий равишдаги иштиёқ билан изоҳланади. Ҳаттоки бу масала ишчи кучлари талаб ва таклифини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлардан ҳам билиш мумкин. Таҳлил муаммолари таълим тизимининг чуқур илдизларига бориб тақалади. Хусусан, таълимнинг асосий ва муҳим қисми ислом таълимотларини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, дунёвий билимлар олиш ва ўргатиш масалалари сифат кўрсаткичлари эмас балки, миқдор кўрсаткичлари ҳисобига тўлдирилади. Мамлакат олий таълимга кетадиган ҳаражатларига келадиган бўлсак, кейинги ўн йилликларда бошланғич ва ўрта таълимни кенгайтиришга катта эътибор қаратилиши ҳисобига олий таълимга кам эътибор қаратилди. Нисбий таҳлиллар натижасидан шу нарса аён бўлдики, Миср олий таълимга ажратадиган ҳаражатлар кўрсаткичлари жиҳатидан энг паст ҳаражатли давлат ҳисобланади. Шу борада, айтиш мумкинки, Миср кичик тадбиркорлик ривожланиши жиҳатидан юқори тенденцияли давлат ҳисобланади.

Умуман олганда Миср кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари давр нуқтаи назаридан узоқ вақтни ўз ичига олади. Айнан мамлакатдаги кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари XX асрнинг 50 йилларидан кузатилган дейиш мумкин. Сабаби Миср иқтисодий ривожланишининг иккинчи босқичи 1956-1960 йилларни ўз ичига олиб, унда давлат сектори ривожлана бошлаган. Бунда “Миср ҳукумати инглизлар ва французларга тегишли барча мулкка секвестр эълон қилди ва тегишли

авуарлар давлат мулки ёки хусусий мулкка ўтказилганлиги режали иқтисодиётга ўтиш учун асос яратди.”¹²

Айнан шундан кейинги даврлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи босқичларидан сўнг мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланган. Хусусан мазкур даврларда Миср ҳукумати энг катта эътиборини давлат ва хусусий мулкларни миллийлаштириш, саноат ва аграр секторларда давлат улушини қисқартириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратди.




2.1-расм. Миср кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиши тенденциялари
Манба: The Statistical Yearbook 1950-2009. Маълумотларидан нисбий, башоратлаш асосида ҳисоблаб чиқилган.

Миср жаҳон банки маълумотларига биноан ривожланаётган давлатлар қаторига киради¹³. Таҳлилларга кўра Миср халқаро меҳнат тақсимооти тизимида нефт маҳсулотлари, пахта, тўқимачилик, кийим–кечаклар ишлаб чиқаришда ҳамда туризм ва транспорт соҳаларидаги хизмат кўрсатишга

¹² М.Д. Турсуновнинг “Миллий тараққиёт моделларида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш муаммолари (Ўзбекистон ва Миср мисолида)” мавзuidaги номзодлик диссертацияси. – Т.: 2007. – Б.42.

¹³ Annual Report // World Bank. 2012. – P.7.

ихтисослашган¹⁴. Шу борада мамлакатдаги кичик тадбиркорлик ҳам айнан ушбу соҳаларда кўплаб ташкил топган. Миср кичик тадбиркорлигининг ЯММ таркиби секторларидаги улушига келадиган бўлсак, унинг салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда.



2.2-расм. Миср кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯММ секторларидаги улуши
Манба: Муаллиф томонидан Egypt Profile, Economic Report of Egypt 2012 маълумотлари асосида мустақил равишда ишлаб чиқилди.

Тақдим этилган чизмадан кўриниб турибдики, Миср қишлоқ хўжалиги бошқа секторлардан анча ортда қолиб кетмоқда. Бироқ, мамлакат аҳолисининг анчайин қисми модернизациялашмаган аграр соҳада банд. Шуларни эътиборга олган ҳолда мамлакат ҳукумати суғориладиган ерларни 1.4 миллион гектарга кенгайтириш мақсадида “Янги водий” лойиҳасини амалга оширмоқда. Саноат тузилмаларидаги кичик тадбиркорлик субъектларининг аксарият қисми қазиб чиқариш, хусусан, нефт, газ, фойдали руда қазилмалари ва бошқаларни ишлаб чиқаришда машғул.

Тадбиркорлик қора ва рангли металлургия соҳаларида ривожланмоқда, бироқ, унинг такомиллашиши учун мамлакатнинг хусусий тош ва кўмир

¹⁴ Indicators of International Labor // World Bank Annual Report. 2012. – P.10.

ишлаб чиқаришни тараққий топтириш зарур. Ваҳоланки, ханузгача уларнинг муҳим қисми импорт ҳисобига таъминланади.

Айтиш мумкинки, бизнес субъектлари машинасозлик соҳаларида ҳам ихтисослашган бўлиб, кемалар ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш, автомобил ишлаб чиқариш, мопедлар, велосипедлар ва транспорт ускуналарини чиқаришмоқда. Машинасозликнинг асосий марказлари Қоҳира ва Искандария шаҳарлари ҳисобланади.

Саноат тузилмасидаги кичик тадбиркорлик асосан азот ва фосфор ишлаб чиқаришдаги асосий ёки неорганик кимё соҳаларида банд. Кокс кимё бизнесининг ривожланиши кислота ва азот ўғитлар ишлаб чиқаришга олиб келди. Бундан ташқари каустик содалар, фармацевтика маҳсулотлари ва кимёвий толалар (Сувайш, Асуан) ишлаб чиқариш тадбиркорлиги ҳам тараққий топмоқда. Саноатдаги кичик тадбиркорлик субъектлари рангли саноатда (Хелван, Искандария) шу билан биргаликда енгил саноат, асосан тўқимачилик (пахта, ипак, жун), тўқувчилик ва пойафзал саноатларида ривожланмоқда.

Озиқ–овқат саноатида кичик тадбиркорлик ун, шакар, тамаки, консерва шу билан биргаликда Мисрнинг анъанавий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришмоқда. Мамлакатда тадбиркорлик субъектлари қадимий хунармандчиликда катта аҳамиятга эга. Хусусан, гилам матолар, тери ошлаш, тикувчилик, тилла ишлари, сувенирлар ишлаб чиқариш шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 4% ташкил этиб, уларнинг ҳам барчаси шудгор қилинадиган ерларга тўғри келади. Суғориш эвазига фермерлик йил бўйи амалга оширилади. Мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик минтақалари – Нил дельтасида жамланган бўлиб, йилига икки–уч марта ҳосил йиғишга имкон беради. Мамлакат ўзини озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжининг 40% таъминлайди.

Суғориладиган ерларнинг кўп қисмини донли экинлари эгаллаган. Қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик субъектлари суғориладиган ерларда

гуруч, буғдой, жўхори, макка жўхори, ловия, ҳамда сабзавотлар, зайтун, цитрус ва шакар қамиш етиштиришади. Сахро воҳаларида хурмо палмалари экишади. Бироқ, муҳим техник ўсимлик – пахта (йиғиб олиш бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди) ҳисобланади. Мисрда етиштириладиган узун толали пахта жаҳонда энг сифатли ҳисобланади. Мамлакатда ҳайвончилик сахро минтақаларида етакчи хўжалик соҳаси ҳисобланади, бироқ Мисрда яйлов ва ем–ҳашак ресурсларининг етишмаслиги оқибатида соҳа суст ривожланган. Мисрлик тадбиркорлар йирик шоҳли қорамоллар, қўтослар, эчкилар (дунёда 3 - ўринда), туялар, эшаклар, қўйлар (жаҳонда 4 - ўринда) боқишади. Мамлакатда асал аричилики ривожланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари ўзига хосдир. Мамлакат автомобилсозликдаги хусусий тадбиркорлик субъектлари араб оламида етакчи ҳисобланишади, бироқ, бошқа томондан Мисрда автомобилсозлик бизнеси рақобатбардошлик даражаси фақатгина минтақа миқёсидадир. Бироқ, Мисрнинг минтақада туризм устунлиги мавжуд. Мамлакат 2009 йилгача сайёҳлар сони жиҳатидан биринчи ўринларни эгаллаган. Мисол ўрнида айтиш мумкинки, фақатгина Россиялик туристлар сони йилига ярим миллиондан ошади. Туризм бизнеси мамлакат ғазнасига 400 миллион доллар олиб келади. Мамлакат қишлоқ хўжалик тадбиркорлиги иқлим шароитлари ҳисобига режадагидай натижалар келтирмаяпти.

2.2. Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари

Миср – Яқин Шарқ ва Африка давлатлари орасида нисбатан иқтисодий ривожланган мамлакат ҳисобланади. Охириги йилларда Мисрда иқтисодийни либераллаштириш, бозор ислохотларини ўтказиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, МАР 2006 йилдан то 2010 йилларгача

Африка давлатлари орасида тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар оқими жиҳатидан етакчи давлат ҳисобланади. Бу ўз–ўзидан аёнки мамлакатда кенг қўламли кичик тадбиркорликни ривожлантириш уни давлат томонидан қўллаб–қувватлаш ислохотлари олиб борилаётганлигидан далолат беради. Бу эса қонунчилик ва уни ижросини мустаҳкамлашни талаб этади.

МАР ҳукумати тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида илк марта 1989 йилда 230–сонли “Инвестициялар тўғрисида”, 1997 йил 8–сонли “Инвестицияларни кенгайтириш ва инвесторлар кафолати ҳақида”, 1998 йил 3–сонли “Компаниялар” каби қатор қонунларни қабул қилди. Шу билан биргаликда Миср иқтисодиётни ривожлантиришга туртки бериш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларини давлат, корпоратив ва хусусий даражага кўтарди. Иқтисодиётни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай иқлимни шакллантириш томон яна бир ижобий қадамлардан бири 2007 йил 26 мартдаги бўлиб ўтган умуммиллий референдум ҳисобланади. Мазкур референдум Миср Араб Республикасининг собиқ Президенти Хусни Муборакнинг **мамлакат инвестицион жозибасини янада шакллантириш ва очиқ иқтисодиётни барпо этиш ҳамда кичик тадбиркорликни ривожлантириш** мақсадида Мисрнинг амалдаги Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бўлган таклифини қўллаб – қувватлаш юзасидан ташкил этилган.


Таъкидлаб ўтиш зарурки, мамлакат меҳнатга қобилиятли аҳолисининг қарийб 30% қишлоқ хўжалиги тадбиркорлигида банд¹⁵. Саноатнинг салмоғи тўқимачилик ва озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик корхоналари ҳисобига эришилади. Бой руда қазилмалари билан Хелвандаги йирик металлургия комбинати таъминлайди. Мамлакатнинг электро энергия эҳтиёжини Асван гидростанцияси таъминлайди. Мамлакатда йирик табиий газ кони мавжуд. Асосий экспорт маҳсулотлари нефт ҳисобланади. Ундан ташқари Миср хўжалик ҳаётида нефт экспорти ва газ қазиб олиш катта аҳамият касб этади. Нефт ва газ маҳсулотлари нафақат ички эҳтиёжни

¹⁵ Egypt. Annual Economic Report 2000-2010. – Cairo. P 25.

таъминлайди балки, йирик хорижий валюта тушумлари манбаси ҳисобланади, кимё саноати тараққиёти темпларига хизмат қилади. Охирги ўн йилликларда иқтисодий либераллашув шароитида анъанавий текстил корхоналари ривожланиши билан биргаликда янги турдаги саноат соҳалари тараққий топди, хусусан нефт кимё ва рангли металлургия шулар жумласидандир. Бироқ, шунга қарамай Мисрнинг асосий даромад манбаи на қишлоқ хўжалиги ва на туризм бизнеси ҳисобланади. Энг асосий манфаат бу кемадар қатновидаги божлар, Сувайш каналидир.

Шу ўринда мамлакатнинг бизнес тараққиёти ва унинг иқтисодиётдаги ўрнига тўхталадиган бўлсак. Жаҳон банкининг асосий манбалари таҳлилига кўра мамлакат иқтисодиёти нисбатан барқарор шароитларда ўсмоқда (2010 маълумотларига мувофиқ). Истеъмол қобиляти кўрсаткичи бўйича Миср ЯИМ жаҳонда 27 ўринда. Қайд этиб ўтиш керакки, Миср ЯИМ ўсиш темплари жиҳатидан 32 позицияда турди (дунё бўйича, 2008 йил маълумоти бўйича 7.2% ни ташкил этган). ЯИМ нинг секторлар бўйича улушига келадиган бўлсак, унда биринчи ўринни хизмат кўрсатиш – 48.7%, кейинги ўринда саноат – 37.6%, охирги ўринда қишлоқ хўжалиги 13.7% секторлари эгаллашган. 2009 йил ЯИМ нинг аҳоли жон бошига 6 минг АҚШ долл.ни ташкил этган. Ўтган йилларга таққосланганда ушбу кўрсаткич ўсган (2007 ва 2008 йилларда 5 800 ва 5 500 минг АҚШ долл.ни ташкил этган, мувофиқликда). Мазкур кўрсаткичлар бўйича мамлакат 136 ўринда туради. Мисрнинг меҳнатга қобилятли аҳолиси 25.400 минг кишини (жаҳонда 21 ўрин), шундан умумий бандликдан ишсизлар 9.4% (дунё бўйича 111 ўрин), 20% аҳоли қашшоқ ҳолда кун кечирази. Бироқ, келтирилган кўрсаткичларнинг ижобийлигига қарамай Миср ташқи қарзи миқдори қарийб мамлакат ЯИМ миқдorigа тенгни ташкил этади. Хусусан 2009 йилда унинг қиймати ЯИМ нинг 80.1% ташкил этган.

Миср иқтисодиётининг заиф томонларидан бири юқори инфляция кўрсаткичлари ҳисобланади. 2009 йил маълумотларига кўра унинг қиймати 11.8% ни ташкил этган.



2.3-расм. Миср ЯИМнинг ўсиши, %

Манба: African Economic Outlook 2012. P-2., маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

Бироқ, қайд этиб ўтиш керакки, мамлакатнинг иқтисодий сиёсати фаол бўлиб, ушбу муаммолар ечимини бартараф этмоқда. Инфляция 2008 йилга нисбатан солиштирилганда 18.3% дан 11.8% га пасайган.

2.1- жадвал.

Миср макроиқтисодий кўрсаткичлари, % да

Макро иқтисодий кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013 Прогноз
ЯИМ ўсиши (жон бошига)	3.4	0	-0.9	1.1
Инфляция	10.1	11.8	10.8	10.4
Бюджет баланси (ЯИМ га нисбатан)	-8.1	-9.4	-8.5	-8.5

Манба: African Economic Outlook 2012. P-2-3., маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

Жадвал маълумотлариданг кўриниб турибдики, аҳоли ҳаёт даражаси пасайиб бормоқда. Инфляция кўрсаткичлари юқори темпларда барқарор муттасил бормоқда. Бюджет тақчиллиги етарлича муаммоларни келтириб чиқаради. Шу борада Миср ҳукумати келгуси молия йилларида

иқтисодиётнинг асосий таркибий муаммоларини бартараф этишни мақсад қилишмоқда, унда асосан:

- Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари экспортини импортдан устунлигини сақлаш;
- Миср кичик тадбиркорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш харажатларини аҳоли харажатларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш;
- Инфляциянинг реал юқори даражасини пасайтириш;
- Давлат субсидияларини шакллантириш зарурлиги;
- Мамлакат инвестицион истеъмолини ошириш ва ҳақозолар шулар жумласидандир.

Миср кичик ва ўрта тадбиркорлиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири мамлакатда эркин иқтисодий ҳудудлар барпо этиш ҳисобланади. Маълумки, мазкур ЭИХ ларга жалб этилаётган инвестициялар кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари ҳисобига амалга оширилади.

Ҳукумат учинчи ўн йилликда Мисрнинг стратегик географик жойлашувини инобатга олган ҳолда, ҳамда экспорт операцияларни ошириш, эркин, саноат шаҳарларига капитал киритиш мақсадида 1974 йил 43 сонли Қарорнинг қабул қилиниши Мисрда эркин ҳудудлар вужудга келишига имкон берди. Қуйида мамлакат кичик тадбиркорлиги ривожланишига катта туртки берувчи механизмларидан бири ЭИХ ва уларнинг хусусиятларини бериб ўтамыз.

Ҳозирги кунда MAP да эркин иқтисодий ҳудудларнинг икки тури мавжуд: улар давлат (улар еттита бўлиб, 582 та компаниялар рўйхатга олинган) хусусий (умумий 165 дан ортиқ компаниялар қайд қилинган) эркин иқтисодий ҳудудлардир. Қуйида уларни баъзиларини келтириб ўтамыз.

“Мадинат Наср” давлат ЭИХ¹⁶. Ҳудуднинг энг муҳим эътиборли хусусияти унинг саноатга ихтисослашганлигидир. Шунингдек, ҳудуднинг 90 фоизи, ҳар томонлама саноат соҳаларини шакллантириш ҳисобланади: улар

¹⁶ MAP Вазирлар Маҳкамасининг 1973 йил 4 апрел ойида қабул қилган қарорига биноан ташкил этилган. У Қоҳира шаҳри районларининг бирида жойлашган бўлиб, 168 фаддан (706 минг кв.км.) ҳудудни эгаллайди ҳамда инвестициялаш ва эркин иқтисодий ҳудудлар масалалари бўйича Давлат хизматиға бўйсунди.

озик–овқат, тўқимачилик саноати, юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва кимё саноати. Қолган лойиҳалар компьютер ва сейсмология соҳасидаги хизматлар каби сақлаш ва бошқа хил хизмат кўрсатишлар билан боғлиқ. ЭИХ ҳудуди лойиҳалар билан тўлиғича банд. Озик–овқат, тўқимачилик ва юқори технологияли маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш каби дунё аҳамиятига алоқадор фирмаларнинг шўъба корхоналари саноат ишлаб чиқаришнинг турли хил соҳаларида жойлашган. Уларга қисман қуйидагилар киради:

1. “Atlantic and Sears” Компанияси – “Coca cola International” компаниясининг шўъба корхонаси ҳисобланиб, унинг маҳсулотларининг катта қисми Яқин Шарқ бозорларига экспорт қилинади. Ушбу маҳсулотларнинг энг йирик импортчилари Саудия Арабистони, Кувайт, Яман, БАА, Ливан, Иордания ва Жазоир давлатларидир.

2. “Delta Textile” компаниясининг ишлаб чиққан автомобиллар учун электр ўтказмалари Англияга экспорт қилинади ва ушбу компаниялар билан шартномалар тузган корхоналарнинг авто машиналар ишлаб чиқаришда фойдаланишади.

3. “Сахр” таъминлов дастурларини ишлаб чиқариш бўйича танилган компаниядир. Маданият ва таълим, хорижликларга араб тилини ўргатиш ва Интернет тармоғи орқали таълим олиш соҳаларидаги компьютер дастурларининг ривожланишида етакчи ролни ўйнайди. Маҳсулотларни қуйидаги асосий бозорларга чиқаради: Араб давлатлари, Европа давлатлари, Африка (ЮАР, Нигерия), Осиё (Туркия ва Исроил), ҳамда Шимолий ва Жанубий Америка.

“Мадинат Наср” ЭИХда инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг афзалликлари:

- Пойтахт Қоҳирада жойлашганлиги, молиявий ва капитал лимитлар мавжуд эмаслиги ҳамда капитал жойлаштирадиган соҳаларни эркин танлаш;
- Лойиҳанинг қулай юридик жиҳатдан рўйхатга олиниши танловидаги эркинлик ва ишчи кучларининг рақобат баҳолари бўйича таъминлаш;

- Рамзий баҳолар бўйича ижаралар учун нақд ерлар, лойиҳаларнинг барча божхона солиқлари ва йиғимларидан, ҳамда даромад солиқларидан озод этилиши;

- Маҳаллий бозорлар билан лойиҳаларга қўйиш, реализация солиқлар, ҳамда лойиҳаларга тўсиқлар, мос келувчи лойиҳа воситаларининг конфискациялардан озод этиш.

Искандария эркин иқтисодий ҳудуди¹⁷. Искандария ЭИХ майдони 1 353 фаддан ёки 5 682 600 кв.км.ни ташкил этиб, умумий майдоннинг 68 % ҳудудида лойиҳаларни жойлаштиришга рухсат олиш учун ажратилган. Қолган 32 % эса коммунал хўжалик объектларини, хизмат кўрсатиш соҳалари, йўллар, орол ва “яшил ҳудуд” ни жойлаштириш учун белгиланган.

ЭИХ қуйидаги инфратузилма объектлари билан жиҳозланган: 46 км.ли ички йўл тармоқлари, асосий сув қувури диаметри 100 мм., Искандария шахридан тортилган, захира қувурлари 600 м. га чўзилган, насос станцияси, 4 та насослардан ташкил топган, ҳар бирининг қуввати 1000 куб/м. соат, сув ҳажмининг ер тагида сақланиши 11 минг.куб.м. Ҳозирги вақтда яна учта 35 минг.куб.м. ҳажмдаги сувни сақлаш қурилиши кетмоқда. Бундан ташқари, ҳудуд 66/11 киловольт тортилган ва қуввати 100 мегавольт амперли трансформатор станцияси, 220/66 киловольт юқори тортилган трансформатор станциясини ўзига олган электротаъминот тармоқлари билан жиҳозланган. Объектларда амалга оширилаётган электро таъминот 11 киловольтли тортилган ер ости кабеллари тармоғи ёрдамида ўтказилади.

ЭИХ да инвестицион лойиҳаларни таъминлашда қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- божхона процедуралари билан боғлиқ барча ўтказмалар бўйича мажбуриятларни қўйиш;

¹⁷ 1973 йилда ташкил этилган. Ан – Нузха халқаро аэропорти ва Искандария денгиз портидан 20 км. узоқликда Искандария – Қоҳира “Сахро” шоссесидан 29 км. ҳамда ад – Дахилия денгиз портидан 7 км. ва асосий Бурж ал – Араб аэропортидан 20 км. узоқликда жойлашаган. ЭИХ ларнинг бундай жойлашуви яхши ривожланаган коммуникацион тармоққа чиқишини таъминлайди.

- банк филиалларини, суғурта компанияларини, Миллий почта корхоналари ва туристик компанияларнинг офисларини жойлаштириш учун зал;
- давлат экспорт назорат хизматлари ва миллий ижтимоий таъминот хизматларининг офислари;
- транспорт хизматлари, юкларни ортиш ва тушириш, ёнғин буйруғи хизматлари.

ЭИХ ларда воситаларни инвестициялаш бўйича имкониятлар. “Искандария” давлат ЭИХ саноат ва хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларидаги хар турли фаолият ва лойиҳаларни қабул қилади. Инвестициялаш ва эркин иқтисодий ҳудудлар масалалари бўйича Давлат хизмати кўп сонли иш ўринлари билан экспортга йўналтирилган юқори технологияли лойиҳаларини амалга оширишни барқарорлаштиради. Майдонларнинг ижара ва муддатларининг йиллик баҳолари қуйидагича кўрсатилган лицензия асосида берилади.

2.2- жадвал

Лицензия фаолият муддатлари ва ижара баҳолари

Фаолият турлари	Майдонларнинг йиллик ижара қиймати	Лицензияларнинг фаолият муддатлари
Ишлаб чиқариш саноати	1 кв.метр учун 3.5 АҚШ долл	25 йил
Нефт соҳаларида хизматлар кўрсатиш	1 кв.метр учун 7 АҚШ долл.	10 йил
Юкларни сақлаш ва хизмат кўрсатиш	1 кв.метр учун 7 АҚШ долл.	10 йил
Хизмат кўрсатиш	1 кв.метр учун 25 АҚШ долл.	10 йил

“Искандария” ЭИХ да амалга ошириладиган энг муҳим ишлаб чиқариш саноати шакллари:

- тўқимачилик, тайёр кийимлар, мебеллар ишлаб чиқариш: (“Boutman”, “Linen Group”, “Kong” компаниялари);
- озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш: (“Gold Alex” компанияси);

- ҳайвонларнинг қуритилган ичакларидан кукунлар ишлаб чиқариш: (“Shahfa” компанияси);
- кимё ва нефткимё ишлаб чиқариш: “MEDOR” (Middle East for Oil Refinery – Яқин Шарқ нефт тозалаш компанияси) компанияси;
- юқори технологияли маҳсулот турларини шилаб чиқариш: (“Lord International”, “Orascom”, “Elektro - profile” компаниялари);
- тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш: (“Pharmaplast” ва “NYD” компаниялари);
- транспорт воситалари деталлари ва унинг ускуналарини йиғиш: (“Exon Batteries” компанияси, қишлоқ хўжалик учун тракторларни йиғиш бўйича Миср ва Украина Республикаларининг, “Fouad” ва “De pers Yacht” компаниялари).

“Порт Саид” давлат ЭИХ. Инвестициялаш ва эркин иқтисодий ҳудудлар масалалари бўйича Давлат директорлари кенгаши томонидан “Порт Саид” ЭИХ ни ташкил этиш учун 1985 йил 2 июлда розилик берилди, аналогик розилик 1985 йил 2 июлда тақдим этилган.

“Порт Саид” ЭИХ транспорт хизматларини яхшигина таъминлаши билан ажралиб туради. У бошқа районлардаги ҳар томонли шоссе ва темир йўллар билан боғлиқ. Бундан ташқари, у Порт Саиддан шарқдаги районда амалга оширадиган мега лойиҳалардан бирининг ёнида жойлашган.

“Сувайш” давлат эркин иқтисодий ҳудуди. 1978 йил 17 апрелда ташкил этилган. Сувайш шаҳри – денгиз ва савдо порти бўлиб, Сувайш кўрфазининг шимолидаги муҳим стратегик ҳолатни эгаллайди. Мамлакатнинг бошқа шаҳарлари билан катта шоссе ва темир йўллар билан боғланиб туради.

Сувайш ЭИХ нинг энг муҳим фарқли томони, у ерда; оҳак, сопол тупроқ, колин, дололит, темир ва пўлат ишлаб чиқариш учун фойдаланиш, оҳак ғиштлар ва мармарлар қазиб чиқарилади.

Сувайш ЭИХ га воситаларни инвестициялашнинг афзалликлари:

- Тауфиқ ва Адабия денгиз портларидаги давлат эркин иқтисодий ҳудудлари ҳам жойлашган районларда нефт қуйиладиган портлар ва Атака порти, ҳамда Сувайш кўрфазининг шимоли ғарбида янги қурилаётган портда жойлашганлиги.

- Кема қурилиши ва кемаларни тузатиш соҳаларида юқори салоҳиятли кадрлар билан таъминланганлиги.

- Сувайш кўрфази ҳудудларини режалаштириш бўйича миллий мега лойиҳаларни амалга ошириш райониға яқинлиги.

Сувайш шаҳрида қуйидаги давлат эркин иқтисодий ҳудудлари жойлашган:

А) “Порт Тауфиқ” ДЭИХ, 1979 йил 24 октябрда очилган.

Б) “Адабия” ДЭИХ.

В) “Атака” ДЭИХ.

“Исмоилия” давлат эркин иқтисодий ҳудуди

1977 йил 29 июнда ташкил этилган бўлиб, Исмоилия шаҳрининг ғарбидаги Қоҳира – Порт–Саид шоссесида жойлашган.

Ушбу ЭИХ да кўплаб денгиз ва халқаро аэропортнинг жойлашган, ҳамда ер майдонларнинг бошқа ҳудудларға нисбатан 50 % пасайтирилган қийматда ижараға берилади, бундан ташқари ҳудуд ўзида бир қанча инфратузилмаларни: йўллар, сув қувурлар, электр таъминот ва алоқа воситаларни мужассамлаштирган.

“Димёт” давлат эркин иқтисодий ҳудуди

1993 йил 7 январда барпо этилган. Ҳудуднинг асосий фарқли хусусияти уникал жўғрофий жойлашганлигидир.

“6 Октябр ёки Медиа” ДЭИХ

МАР Вазирлар кенгашининг 2000 йил 24 февралдаги № 411 сонли қарори бўйича ташкил этилди ва ОАВ лари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар учун йўналтирилган, ҳамда ушбу соҳа хизматлари билан боғлиқ. Майдони 3 млн. кв. км. “6 Октябр” шаҳри мамлакатдаги божхона тўловларини бекор қилган ва ернинг асосий қисми хусусий секторға тегишли

килиб берилган биринчи райондир. Шаҳар давлат информацион эркин иқтисодий ҳудудлари бошқармаси орқали инвестиция ва эркин иқтисодий ҳудуд ишлари бўйича Давлат хизмати томонидан бошқарилади.

Ҳудуд ўзида қуйидаги инфратузилмаларни мужассам этган:

- дунёдаги энг замонавий телевизион (рақамли телекўрсатувлар) ва компьютер технологиялар, драма жанридаги барча маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган 29 студиядан ташкил топган 3 та комплекс студия;

- иқлимий ва архитекторлик хусусиятлар, ҳар турли жойлар, вақтлар ва стиллар учун характердаги мувофиқликда жиҳозланган 10 та суратга тушириш учун очиқ майдонлар;

- меҳмонхона ҳудуди: унинг дизайни дунёнинг замонавий хусусиятларига мувофиқдир. Ушбу ҳудудда 5 юлдузли меҳмонхона, конгресс – марказ, халқаро ва минтақавий конференция ҳамда байромона тадбирлар шунингдек кўргазмалар ўтказиш учун белгиланган жойлар, ҳамда йирик савдо маркази, театр комплекси ва кинотеатрлар мавжуд.

2.3-жадвал

Мисрнинг асосий давлат эркин иқтисодий ҳудудларига жалб этилган инвестициялар (млн. АҚШ долл ҳисобида)

ЭИХ номлари	Компаниялар сони	Ишлаб чиққан капиталлари	Жамғарилган инвестиция қиймати	Фойдаланиш
Искандария	306	2.393	7.312	24.967
Наср Сити	179	1.044	2.164	27.945
Порт Саид	111	909	2.812	17.314
Сувайш	76	1.291	2.704	11.418
Исмоилия	35	48	97	5.882
Димёт	18	124	1.719	3.609
6 Октябр	22	724	859	2.410
Жами	747	6.533	17.677	93.545

Манба: General Authority for Investment (GAFI)

Биз юқорида МАР иқтисодётида ЭИХ лар фаолиятини кўриб чиқдик. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтишимиз керакки, мамлакат иқтисодиётига энг кўп инвестицион ҳажмларни ЭИХ лар келтиради. Буни қуйида тақдим этилган

жадвал асосида кўриб чиқишимиз мумкин. Унда ЭИХ лардаги компанияларнинг сонига мувофиқ капитал ишлаб чиқиши ва инвестиция жамғармаси аҳамиятлидир. Энг кўп компанияни ўзига мужассамлаштирган Искандария ЭИХ (306 та компания) 7.312 млн АҚШ долл. ҳисобида инвестиция жамғаришга эришди. Қизиғи шундаки, Сувайш эркин иқтисодий ҳудудида 76 та компания (2.704 млн. АҚШ долл.), Наср Сити ва Порт Саид ЭИХ ларидаги 179 ва 111 та компанияларнинг жамғарган инвестицияларига (2.164 ва 2.812 млн. АҚШ долл.) нисбатан тенгдир. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ЭИХ роли йилига 17.677 млн. АҚШ долларлик инвестиция жалб этиши билан аҳамиятлидир.

III БОБ. МИСРДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ РОЛИ

3.1. Миср Араб Республикасининг чет эл мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалари ва унда кичик тадбиркорлик

XX асрнинг сўнгги чорагида фан-техника тараққиёти таъсирида халқаро меҳнат тақсимооти ва ихтисослашувининг кучайиши жаҳон хўжалик алоқаларида глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг жадаллашувига олиб келди. Бунинг натижасида миллий хўжаликларнинг жаҳон хўжалик тизимига боғлиқлиги кучайиб, ташқи иқтисодий алоқалар узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартларидан бирига айланди. Бугунги кунда бирор бир мамлакат жаҳон хўжалигидан алоҳида ривожланиши мумкин эмас. Шу муносабат билан ҳар бир мамлакат ўзининг табиий-иқтисодий ресурслари ва нисбий афзалликларига таяниб жаҳон иқтисодиётида ўзига хос ўрин эгаллашга ҳаракат қилади.

Миср Араб Республикаси ҳам ташқи иқтисодий алоқаларида жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатлари билан кенг кўламда ҳамкорлик муносабатларини олиб боради. Охирги ватқларда хорижий инвестициялар мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар риволанишининг энг муҳим омилларидан бири бўлган бўлса, бугунги кунда унинг ўрнини кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари эгалламоқда. Бунга кўплаб сабаблар мавжуд. Хусусан Миср кичик тадбиркорлиги ривожланишида халқаро товар ва хизматлар ҳаракати ўзига хос ўринга эга. Халқаро товар ва хизматлар ҳаракатининг мазкур тизими ривожланаётган давлатлар учун ташқи иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Бунда асосан мамлакатнинг экспорт, импорт кўрсаткичларини таҳлил қилиб ўтсак.

Мана охирги йиллардан буён Миср импорт ҳажми унинг экспорт ҳажмидан паст бўлган. Худди шунингдек, қайд этиб ўтишимиз зарурки, импорт ва экспорт амалда тенг миқдорларда ўсмоқда. 2008 йилги жаҳон молиявий–иқтисодий инқироzi шароитида Миср экспорт ва импорт ҳажми сезиларли равишда пасайган.

3.1-жадвал

Миср товар ва хизматлар экспорт импорт динамикаси, млн. АҚШ долл.да

Йиллар	Экспорт	Импорт	Сальдо
1980	2 392,7	2 343,3	49,4
1990	5 971,0	3 788,0	2 183,0
2000	9 803,0	7 513,0	2 290,0
2001	9 042,3	7 036,5	2 005,8
2002	9 320,2	6 629,0	2 691,2
2003	11 073,0	6 473,8	4 599,2
2004	14 196,6	8 020,0	6 176,6
2005	14 642,6	10 508,1	4 134,5
2006	16 134,5	11 569,2	4 565,3
2007	19 943,4	14 342,4	5 601,0
2008	24 911,9	17 614,9	7 297,0
2009	21 519,8	13 935,2	7 584,6
2010	23 807,0	14 717,7	9 089,3
2011	19 139,6	13 962,2	5 177,4
Даврлар бўйича ўртача	18 625,2	12 954,8	5 670,4
1980 йилга нисбатан 2011 йилда ўсиш % да	12.5%	16.8%	


Манба: The official website of United Nations Conference on Trade and Development. – <http://unctadstat.unctad.org>. маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакат товар ва хизматлар экспорти импорти миқдоридан кўпни ташкил қилган. Албатта бу кўрсаткичлар Мисрнинг Сувайш канали орқали транзитлар ва транспорт хизматларидан иборат. Маълумки, Миср қулай географик нуқтада жойлашган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Кўриниб турибдики, экспорт миқдори 12.5 фоизга ўсган бўлса, 1980-2011 йилларда импорт 16.8% ўсган, экспорт, импорт сальдоси ижобий аҳамият касб этса-да, ўсиш жиҳатидан

импорт миқдори юқори ҳисобланмоқда. Бу эса импортнинг барқарор ўсишидан далолат бермоқда.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш орқали билиш мумкинки, Миср жаҳон товар ва хизматлар бозорида етказиб берувчи эмас балки, катта миқдордаги истеъмолчи ҳамдир. Маълумки, Миср импортталаб мамлакат ҳисобланади. Мамлакат хизматлар экспорт импорти динамикасини кўрадиган бўлсак, 2000-2010 йилларда экспорт импортдан анчайин ошган. Иккала кўрсаткичлар ҳам ижобий характерга эга, албатта 2008-2009 йилги жаҳон инқирозини ҳисобга олмаганда. Мазкур даврда экспорт импорт кўрсаткичлари пасайган, шунга қарамасдан экспорт импортдан юқори.

Айтиш мумкинки, хизматлар бозори товарлар бозорига нисбатан мобилроқ ҳисобланади. Жаҳон бозорида Миср товарлар оқимининг миқёси борасида хулоса чиқариш учун мамлакатни жаҳон товар айланмасидаги ҳиссаси миқдорларини таҳлил қилиш зарур. Мисрнинг жаҳон товарлар айланмаси ва хизматларидаги улуши жуда паст бўлиб, 0.07%-0.174% диапазонларидан ўрин эгаллайди.



3.1-расм. Мисрнинг асосий экспорт ҳамкорлари, %

Манба: <http://www.economy.gov.eg/articles> маълумотлари асосида муаллиф томонидан муштакил тузиб чиқилди.

Чизмадан билиш мумкинки, Мисрнинг экспорт ва импортдаги асосий ҳамкори АҚШ ҳисобланади. Мамлакат экспортидаги асосий товарлар: нефт

хом ашёси ва нефт маҳсулотлари, пахта, тўқимачилик, металл маҳсулотлари, химикатлар, қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари шулар жумласидандир. Ўз навбатида, импорт товарларга машина ва ускуналар, озиқ-овқатлар, кимёвий маҳсулотлар, ёғоч буюмлар ҳамда ёқилғи киради.



3.2-расм. Мисрнинг асосий импорт ҳамкорлари

Манба: <http://www.economy.gov.eg/articles> маълумотлари асосида муаллиф томонидан мустақил тузиб чиқилди.

Юқоридаги жадвал ва чизмалар мамлакатнинг тадбиркорлик муҳити ривожланишидан далолат бермоқда. Таҳлиллар натижасида Миср учун кичик тадбиркорликнинг экспортга йўналганлик варианты ижобий аҳамият касб этади. Биринчидан, Миср қулай географик нуқтада жойлашган. Хусусан Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприк, Сувайш канали кабилар шулар жумласидандир. Иккинчидан сув йўлига бевосита чиқа олиши. Бу эса бугунги кундаги энг арзон транспорт тури ҳисобланади. Ҳукумат импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналган тадбиркорлик субъектларини янада кенг кўламда барпо этишга катта эътибор қаратса, ўйлаймизки, истиқболдаги 15-20 йил ичида юксак ривожланиш босқичларига ўтиши мумкин. Юқоридаги Мисрнинг товар ва хизматлар экспортидаги ижобий сальдолар ҳам буни исботлаб турибди. Сўнгги 31 йил ичида ташқи савдо баланси барқарор равишда

ижобий сальдога эришиб келган, бироқ таъкидлаганимиздек, импорт барқарор ва юқори темпларда ўсиб бориши натижасида ўсиш темпи экспортга нисбатан юқорилигини кўришимиз мумкин. Бу эса ханузгача Мисрда импорт маҳсулотларига эҳтиёж баландлигидан далолат беради. Биз яна мазкур масалани батафсилроқ тадқиқ қилиш мақсадида Мисрнинг бошқа давлатлар билан товар ва хизматлар алмашинувида сифат жиҳатидан характеристика беришга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун Миср тўлов балансига эътибор қаратсак.

Миср тўлов балансининг 2009/2010 йиллардаги 1-квартали 3.1 миллиард АҚШ доллари қийматида ижобий сальдога эришган. Ўтган даврларда ушбу кўрсаткич 2.3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Шу борада, мамлакат халқаро захиралари динамикаси ўсган. Жорий операциялар ҳисобидаги камомад 24% гача, 3.4 миллиард АҚШ долларидан қарийб 2.6 миллиард АҚШ долларга пасайган. Ўтган даврлардаги пасайиш кузатилишини 2008 йилги глобал молиявий инқироз билан изоҳлаймиз. Айнан ўша вақтда, расмий иқтисодий маълумотларга кўра соф валюта воситалари оқимлари натижасида молиявий операциялар 5.2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.¹⁸ 2009/10 июль – март молия йили даврида савдо баланси камомади 18.5 миллиард АҚШ долларигача тушганлиги экспорт товарлари, ҳамда импорт тушумлари тўловининг ҳам пасайишига олиб келди. Бу борада мамлакат савдо баланси эса, чет элларда ишловчи Мисрликлар валюта ўтказмалари, хорижий туризмдан тушган даромадлар, Сувайш каналидан фойдаланилишидаги божлар, АҚШ ҳукуматининг молиявий кўмаги ва хусусий банклар кредитлари ҳисобига қопланарди.

Нефт экспорти 17.9 фоизга, нефт маҳсулотлари экспорти эса 10 фоизга пасайди. Қолган хизматлар 9% га 2009/10 йилларда 8.8 миллиард АҚШ долларигача камайган, ўтган давр билан солиштирилганда 9.6 млрд. АҚШ долларни ташкил этганлигини билиш мумкин. Бундан ташқари катта миқдорда инвестициядан даромадлар тушумлари кузатилди. Хусусан,

¹⁸ Annual Economic Report of Egypt. 2009 Review. – P.15.

2008/09 молия йилида инвестиция тушумлари 1.7 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2009/10 молия йилида мазкур кўрсаткич 61.4% 661.500 млн. АҚШ долларигача қисқарган.

Йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида Мисрнинг ташқи иқтисодий муносабатлари бўйича халқаро товар ва хизматлардаги ўрнига баҳо бера оламиз. 2000 ва 2008 йиллар оралиғини оладиган бўлсак, ушбу давр оралиғидаги кўрсаткичлар деярли ўзгармаган, бироқ 2008 йилги глобал инқироздан сўнг импорт ва экспорт товарлари ўртасидаги миқдорлар сезиларли равишда ошган. Товарлар экспорт ва импорти ҳақида гапирадиган бўлсак, Миср импорти миқдори экспорт даражасидан юқорилигини кўришимиз мумкин (Юқоридаги жадвалга биноан). Ундаги катта улушларни машина ва ускуналар ташкил этади. Агарда импортга нисбатан экспортни таҳлил қиладиган бўлсак, унда тесқари ҳолат юзага келади. Экспорт кўрсаткичлари импорт кўрсаткичларидан ортиқни ташкил этади. Хизмат кўрсатиш секторидаги экспорт импорт нисбатлари барча давр оралиқларида деярли ўзгармаган.

Мисрнинг асосий экспорт товарлари нефт хом ашёси, импорти эса машина ва ускуналар ҳисобланади. Шу борада, кўришимиз мумкинки, Миср жаҳон бозорига йирик истеъмолчи сифатида чиқмоқда. Ўз навбатида бу шундан далолат берадики, Миср жаҳон товар ва хизматлар бозорида мазкур ҳолатини узоқ вақт сақлаб тура олмайди. Фикримизча, мамлакат ҳукумат товар ва хизматлар бозорини янада такомиллаштириш, инновацион технологик ғояларни кенг қўламда татбиқ этиши зарур.

Маълумки, халқаро иқтисодий муносабатларнинг шаклларида яна бири халқаро технологиялар алмашинуви ҳисобланади. Ушбу компонент бугунги кунда энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, сабаби ХИМ да замонавий жамиятлар янги постиндустриал ривожланиш босқичига ўтмоқда.

Миср 2000 йиллардан бошлаб информацион ва коммуникацион технологиялар (ИКТ), қисман аутсорсинг хизматлари экспортини жадал ривожлантирган. Ҳозирги вақтда мамлакатнинг аутсорсинг ИТ хизматлари

экспортининг йиллик айланмаси 1.1 миллиард АҚШ доллари ташкил қилмоқда. Қайд этишимиз керакки, Миср ИТ сектори ҳатто глобал инқироз шароитларида ҳам муттасил ошган. МАР да мобил алоқа мамлакат аҳолисининг 70% қамраб олган. Хизматлар бозори кенг қўламли аҳамиятга эга бўлиб, йилига 25% ошмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат ҳукумати ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги информацион технологияларни ривожлантиришда мазкур соҳадаги кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар тақдим этмоқда. Хусусан, ҳукумат томонидан кичик бизнес вакиллариини информацион ва коммуникацион технологиялар борасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатларини молиялаштирмоқда.


Миср Араб Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларидаги энг асосий шериклари АҚШ, Англия давлатларидан ташқари, Россия, Ўзбекистон ва қатор араб давлатлари ҳисобланишади. Шулардан Миср ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишида кичик ва ўрта тадбиркорлик муносабатларида Россия давлати билан қалин ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйган. Шу борада Миср ва Россия иқтисодий ҳамкорлик муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ёритсак.

Айтиш керакки, Миср ва Россия ўртасидаги муносабатлар XX асрнинг 40 йилларига тўғри келади. Айнан дипломатик алоқалар 1943 йилнинг 26 августида ўрнатилган. Шундан буён икки томонлама муносабатлар турли даражаларни қамраб олиб, турли ташқи иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳам ижобий ҳам салбий шаклларни акс эттирган.

Қайд этиб ўтиш зарурки, икки мамлакат тадбиркорлик муносабатлари савдо, иқтисодий ва илмий–техникавий ҳамкорлик бўйича Россия – Миср ҳамкорлик комиссиясининг 1992 йилги Келишувга биноан шаклланган. Ушбу комиссиянинг 2009 йил 2-3 июн кунлари Москва шаҳрида ташкиллаштирилган еттинчи мажлисида томонлар “ҳамкорликнинг амбициоз сон ва сифат мақсади” га тамал тошини қўйишди. Унда, Россия – Миср эркин савдо ҳудудини барпо этиш, нефт газ ва электро энергетика секторларида,

ҳамда машинасозлик ва авиа қурилиш соҳаларида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ўз аксини топган. Ундан ташқари, томонлар товар ва хизматлар номенклатурасини диверсификациялаш ҳисобига товар айланмасини оширишни таъминлаш, юқори қўшилган қиймат ва юқори технологик маҳсулотларнинг ўзаро савдосини йўлга қўйиш, преференциал савдолар механизмларини юзага келтириш муаммоларини муҳокама қилишган.

Бу эса ўз навбатида Мисрнинг Россия билан ташқи иқтисодий алоқаларида кичик бизнес ривожланишига катта имкониятлар яратди. Россия Иқтисодий ривожланиш вазирлиги маълумотларига кўра РФ Миср ташқи савдо ҳамкорлари орасида олтинчи ўринни эгаллайди. РФ нинг Миср ташқи савдо айланмасидаги улуши 4.2% ташкил этади. Ўз навбатида Миср Россия ташқи савдо ҳамкорлари орасида 34 ўринни эгаллайди, шу жумладан экспорт ва импорт бўйича 29 ва 63 ўринларга эга, мувофиқликда.



3.3-расм. Мисрга Россия экспорт товар таркиби
Манба: Annual Economic Report of Egypt. 2009 Review.

2010 йилда Мисрнинг Россия ташқи савдо айланмасидаги улуши 0.4% ташкил қилган. 2010 йил Россия – Миср савдо ҳажми 2.1 миллиард АҚШ

долларини ташкил этган, шу жумладан Россия экспорти 1.85 миллиард АҚШ доллари ва импорти 247.5 миллион АҚШ долларида иборат бўлган.

Мисрга Россия экспорт товар таркибига келадиган бўлсак, юқори улушни буғдой маҳсулотлари ташкил қилган бўлиб, 2010 йилда Россия Мисрга 4.8 миллион тонна буғдой экспорт қилган.

Чизмадан кўриниб турибдики, Миср кичик тадбиркорлик ишлаб чиқариш маҳсулотларини диверсификациялашни талаб этмоқда. Мамлакатнинг географик ўрнини ҳисобга олсак, Мисрнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини импорт қилиши табиий ҳолатдир. Бироқ, машина ва ускуналар ва кимё саноати ҳанузгача тараққиётга муҳтожлик сезиб турибди. Шунга қарамай Миср кичик тадбиркорлик субъектлари мамлакатни пилло материалларга бўлган талабини қондириш мақсадида, Россия бизнесменлари билан биргаликда Архангел вилоятида ўрмон ресурсларини қайта ишлашни кучайтирмоқдалар. Миср тадбиркорларининг Россия пилло материаллар экспортидаги инвестиция улуши 50% ташкил этади. Мисрга Россия ҳар йили 1.0 дан 1.2 миллион куб м. ўрмон маҳсулотларини экспорт қилади.


Ҳозирги вақтда Россия инвестицияларининг асосий оқимлари Миср энергетика сектори билан боғлиқ. Россиянинг “ЛУКОЙЛ” миллий компанияси ҳар йили 650 минг тонна нефт маҳсулотларини қазиб чиқаради. Ундан ташқари “Новатек” ОАЖ 2008 йилдан буён табиий газ конларини қидириш ишларини олиб бормоқда.¹⁹ Россиянинг икки компаниялари МАР да ҳанузгача углеводород саноат заҳираларини топишганича йўқ. Айтиш керакки, “ЛУКОЙЛ” ўз инвестицияларини Кипр, “Новатек” ОАЖ эса Швейцария давлатлари орқали амалга оширишади.

Инвестицияларни таҳлил қилиш асносида Мисрга нисбатан инвестициялар оқимлари жадаллигига амин бўлинди. Бироқ, мамлакат ҳанузгача инвестицияларни бошқа давлатларга киритиши суств кечмоқда. Хорижий инвестицияларнинг катта қисми нефт саноати соҳасига йўналтирилмоқда. Таъкидлаш керакки, Мисрдаги сиёсий нотинчликлар

¹⁹ Министерства экономического развития России. Данные от статотчеты.2010 г. – С.45.

бошлангунга қадар мамлакат инвестиция иқлими жаҳондаги энг жозибадор ҳисобланарди.

Мисрда инфратузилмалар ва информацион технологиялар тез суръатларда ривожланмоқда. Ҳукумат илмий соҳа ва юқори технологияларни тараққий топтиришга катта аҳамият қаратмоқда.²⁰ Қуйида тақдим этилган чизмадан ҳам кўришимиз мумкинки, хорижий инвестициялар оқими мамлакат бўйлаб ички капитал оқимлари юқорини ташкил қилади. Сабаби ҳукумат кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлари шуни белгилаб бермоқда. Албатта, жалб этилган хорижий инвестициялар ўз самарасини берган, жумладан 2006 йилга қараганда 2007 йилда инвестицияларнинг четга оқими 22.3 фоизга бирдан ортган ва бу кўрсаткич 2008 йилгача давом этган. Бироқ, глобал молиявий инқироз натижасида хорижий инвестициялар экспорти 2011 йилгача пасайиб борган.



3.4-чизма. Мисрда инвестициялар ҳаракати, млн. АҚШ доллари
Манба: UNCTAD, UNCTADstat маълумотлари асосида тайёрланди.

²⁰ Small and Medium Investment (SMI), A Window of Opportunity for Egypt: Proposal for a new Initiative at GAFI, September 2008, GAFI. – P.23.

Хусусан 2011 йилда инвестициялар экспорти кўрсаткичи 2008 йилга нисбатан 32.5 фоизга, 920.2 миллион АҚШ долларига қараганда 625.5 миллион АҚШ долларига пасайганлигини кўришимиз мумкин.


Миср хорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий муносабатларини жадал суръатларда ривожлантириши натижасида юқори темпларда янги эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил топмоқда ва мавжуд ЭИХ янада тараққий топмоқда. Ушбу ислохотлар янги хорижий инвестицияларни жалб этиш ва давлатлар ўртасида савдони либераллаштириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Мамлакат Марказий банки ва ЮНКТАД нинг тақдим этган маълумотларига биноан Миср инвестицион жозибадор давлатларнинг учталигига киради. Буни ҳатто хорижда инвестициялар борасида Британия итернет порталининг Мисрда кўчмас мулкларни сотиб олиш бўйича олиб борган тадқиқотларига мувофиқ, мамлакатда кўчмас мулкларни сотиб олиш ва ижарага олиш жиҳатидан Англия Мисрдаги йирик учта давлатлар қаторига киради.

Қуйида тақдим этилаётган расмдан ҳам буни билиш мумкин. Унда мулкларни ижарага олиш бўйича маълумотлар таҳлил қилинган бўлиб, сўнгги тўққиз йилда кўчмас мулкларни ижарага олиш 9.2 фоизга муттасил ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Тўғри, айтиш жоизки, 2008 йилга глобал инқироз шароитида 2010 йилда 0.4 фоизга пасайиш юз берган. Бироқ, кейинги икки йилда унинг кўтарилиши 3 фоизни ташкил қилган.

Нима сабабдан айнан англияликлар Мисрда кўчмас мулкларни ижарага олиш бўйича энг фаоллардан бири ҳисобланишини англаш мумкин. 2007 йил 29 октябрда Халқаро фалюта фонди (ХВФ) нинг 2008 йилда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари иқтисодий ўсиши акс эттирилган маърузаси чоп этилган. Мазкур маърузада Миср ҳукумати томонидан ўтказилган илиқ ислохотлар натижасида мамлакат минтақа давлатлари орасида тез суръатларда ривожланадиган давлатга айланаётганлиги гапирилади. Миср иқтисодиёти ўтган икки йилга нисбатан 7% ошган. Бундан ташқари, ушбу

кўрсаткичлар истикболда ҳам сақланиб қолиши мумкинлиги башорат қилинган. ХВФ маърузаси Миср қимматбаҳо қоғозлар бозори минтақадаги энг яхши бозорлардан бири эканлигини ифодалайди. Шу билан биргаликда мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган капиталлар оқимининг катта қисми тўғридан – тўғри инвестицияларни ташкил қилади.



3.5-расм. Мисрда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг мулкларни ижарага олиш динамикаси

Манба: Муаллиф маълумотларни Annual Statistical Review. Egypt. 2000-2012 манбалари асосида ишлаб чиққан.

2009/2010 июль/декабрь ойлари давомида кичик ва ўрта тадбиркорликка йўналтирилган капиталлар ҳисобига кўра 3.3 миллиард АҚШ доллари қийматида соф капиталлар ўсиши кузатилган. Мазкур муҳим аҳамиятли ўсишнинг сабабларини қуйидагича тушунтириш мумкин. Биринчидан, КЎТ субъектларига кенг имкиониятлар қаратилиши натижасида портфел инвестициялар соф оқимларга айланиб, 1.6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ушбу соф оқимлар ўзида 1.1 миллиард АҚШ доллари қийматидаги Миср ғазначилик векселлари сотувини ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида хорижий инвесторлар ўзларини Миср фонд бозорларида эркин ҳис этишларидан далолат беради.

3.2. Ўзбекистон ва Миср Араб Республикасида кичик тадбиркорлик ривожланишининг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари

Глобал моливий–иқтисодий инқироз бугунги кунга келиб иқтисодий рецессияга айланиб кетди ва унинг салбий таъсирлари ҳанузгача баъзи давлатларда акс этиб турибди. Инқирознинг ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга ўтишига асосий сабаб пул ўтказмалари, хусусий инвестиция ва савдо оқимлари ҳажмининг қисқариши бўлди. Ушбу омиллар нафақат Ўзбекистондаги балки, Мисрдаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Сўнгги йилларда Мисрда иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан экспорт ҳажмига, асосий экспорт маҳсулотлари нархининг ижобий конъюнктурасига, шунингдек, хориждаги ишчи мигрантларнинг пул ўтказмаларига боғлиқ эди.

Шу борада Global Entrepreneurship Monitor (GEM) нинг тадқиқот натижаларига мувофиқ, Мисрда сиёсий нобарқарорликлар ва глобал инқирознинг драматик ўзгаришлари тадбиркорлик муҳити фаоллигини пасайтириб юборган.²¹ GEM томонидан олиб борилган тадқиқотларга мувофиқ, давлатларнинг кичик тадбиркорликка эътибор қаратилишига кўра тадбиркорлик фаоллиги даражаларини урта гуруҳга ажратилган, булар: ресурсга йўналтирилган тадбиркорлик; самарадорликка йўналтирилган ва инновацияга йўналтирилган тадбиркорлик муҳити шулар жумласидандир.

Давлатларда ресурсга йўналтирилган, худди шунингдек, самарадорликка йўналтирилган тадбиркорлик шакллари кўп жиҳатдан эҳтиёжманд ҳисобланади.

GEM барча давлатларда олиб борган тадқиқотларида ёпиқ тадбиркорликнинг асосий сабаби қилиб, норентабелли бизнесни кўрсатишади. Айнан норентабелли ва молиялаштиришдаги қийинчиликларга дуч келувчи тадбиркорлик самарадорликка йўналтирилган бизнес шакли

²¹ Global Entrepreneurship Monitor (GEM) маърузасидан. – Р.24.

давлатларга хосдир. Худди шунингдек, ресурсга йўналтирилган тадбиркорлик шакли ҳам. Тадқиқотчилар инновацияга йўналтирилган иқтисодиётда тадбиркорларнинг бизнестан чиқиб кетишини тадбиркорликдаги савдо имкониятлари билан изохлашади, улардаги асосий муаммо молиялаштириш ҳисобланади.

Умуман олганда иқтисодий ўсиш ва даромадлар темпининг ошишида кишиларнинг кўп қисми барқарор ва йирик компанияларга ишга жойлашиб кетиши кузатилади, натижада кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари сони камайиб боради. Шу борада, аҳоли жон бошига тўғри келувчи паст даромадли давлатларда тадбиркорлик даражасининг пасайиши ижобий ҳисобланади.²²

Жаҳон иқтисодиёти давлатларида тадбиркорлик муҳити катта рол ўйнайди. Глобал молиявий инқироздан сўнгги даврларда бизнесни ташкил этиш кўрсаткичлари, ривожланган давлатларга нисбатан даромади паст ривожланган давлатларда юқори ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичлар 2013 йилда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётда 20% ни, самарадорликка ва ресурсга йўналтирилган иқтисодиётларда 36% ва 51% ларни ташкил этган, мувофиқликда.²³

Юқорида кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиш муаммолари келтириб ўтилди. Жаҳон иқтисодиётида Жаҳон банки ҳар йили қарийб 180-200 давлатлар доирасида таҳлилий тадқиқот ишларини олиб боришади. Унда асосан давлатлардаги тадбиркорликни барпо этиш, тадбиркорлик муҳити, тадбиркорлик сифати кўрсаткичлари кенг кўламда ёритилади. Бироқ, тадқиқот маърузаларида давлатлардаги муаммолар қамрови торроқдир. Шу боисдан, мазкур бўлим Ўзбекистон ва Миср кичик тадбиркорлик риожланиш муаммоларига бағишланганлигини иноботга олган ҳолда, қуйида Ўзбекистон ва Миср давлатларидаги кичик тадбиркорлик тараққиёти муаммоларига тўхталиб ўтсак.

²² World Bank. Doing Business 2013. – P.35.

²³ World Bank. Doing Business 2013. – P.38.

Ўзбекистонда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шарт–шароитлар яхшиланмоқда. Бунда асосан солиқ юки камайтирилди, тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолият юритиш жараёнлари соддалаштирилди, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига маъмурий аралашувлар кескин камайтирилди ва тартибга солинди. Аммо кейинги йилларда ўтказилаётган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши йўлида муайян тўсиқлар борлигидан далолат бермоқда.²⁴

Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусий бизнес ривожланиши йўлидаги энг мураккаб тўсиқлар Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) соҳасида мавжуд. Булар орасида энг асосийлари сифатида экспорт – импорт жараёнида транспорт харажатларининг юқорилиги, конвертациядан фойдаланишнинг мураккаблиги ва божхона тўловлари даражасининг юқорилигини қайд этиш мумкин.²⁵

Ўзбекистондаги транспорт орқали юкларни ортиб жўнатиш харажатлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Бир контейнерга нисбатан импортни Ўзбекистонга амалга ошириш харажатлари 4 600 АҚШ долларини ташкил этса, айти пайтда ушбу кўрсаткич Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича ўртача 1774 АҚШ долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич фақат қисман денгиз йўлларига бевосита чиқиш йўли йўқлиги билан изоҳланади ва денгизга бевосита чиқиш йўлларига эга бўлмаган мамлакатлар орасида ҳам энг юқори ҳисобланади.²⁶

Экспорт жараёнида бир контейнерга нисбатан расмий тўловлар ҳажми ҳам ниҳоятда юқоридир: 3 100 АҚШ долл., бунда Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича ўртача баҳо 1 582 АҚШ долл.га тенг. Таққослаш учун: ушбу кўрсаткич хитойлик экспортчилар учун 500,

²⁴ “Ўзбекистонда тадбиркорлик мухити” ХМК. 2009. – Б.71.

²⁵ БМТРД нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри. Таҳлилий тавсиянома 2 (13) 2009. – Б.46.

²⁶ Абдуллаев Ё., Юлдошев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: 2006. – С.72.

покистонликлар учун 611, эстонияликлар учун 730, немислар учун 872, турклар учун 990 АҚШ долл. ни ташкил этади.²⁷ Бундан ташқари, Ўзбекистонда экспорт жараёнларини ўтиш вақти 44 кунни ташкил этса, айти пайтда ривожланаётган давлатларда унинг ўртача кўрсаткичи 29 кунни ташкил этади, бунинг эса мамлакатнинг географик жойлашувига боғлиқлиги йўқ.²⁸

Юкларни расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги ва давомийлиги, транспорт инфратузулмасининг эскирганлиги (автомобил ва темир йўл тармоғи), асосий транспорт коридорларидан узоқда жойлашганлиги юкларни жўнатиш харажатлари юқорилигининг бош сабаблари ҳисобланади.

Қайд этиш зарурки, бундай узоқ жойлашув ҳар доим ҳам географик жойлашувга боқлиқ бўлмасдан, балки мамлакатда мавжуд бўлган деярли бутун транспорт тармоғи Ўзбекистон мустақилликка эришган вақтгача миллий давлатлар манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда лойиҳалаштирилган ва қурилгандир. Масалан, Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги темир йўл юк ташувлари Қозоғистондаги “Дружба” станцияси орқали амалга оширилади. Чегарадан чегарагача бўлган йўл 2000 км.ни ташкил этади, айти пайтда Қорасувдан (Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасида) Хитой чегарасигача бўлган йўл 280 км дан кам масофани ташкил этади. Ўзбекистон темир йўл тармоғини Хитой тармоғи билан (Андижон – Қашғар) туташтирувчи йўлнинг қурилиши юк ташишлар қийматини камайтириш билан бирга Марказий Осиё ҳудудининг транзит салоҳиятини жиддий равишда кенгайтиради.²⁹

Ҳозирги кунгача импорт операцияларини амалга оширишда миллий валютани (сўмни) конвертация қилиш борасида мураккабликлар сақланиб келинмоқда. Сўмдаги маблағларни чел эл валютасига конвертация қилишда

²⁷ <http://www.doingbusiness.org/ExploreTopics/Trading Across Borders> (2009-2010 йиллар учун маълумотлар).

²⁸ Ривожланаётган мамлакатларда самарали инвестицион сиёсатнинг асосий омиллари: Ўзбекистон учун маъқул бўлган йўналишлари ”Тахлилиймаъруза. ИТМ. – Тошкент, 2007. – Б.27.

²⁹ “Марказий Осиё” транспорт секторининг минтақавий стратегияси ҳисоботи, ОТБ, 2003. – Б.11.

расмий чекловлар белгиланмаган. Аммо амалда аризалар 3 ой ва ундан кўпроқ муддатга кечикиб, узок муддат давомида кўриб чиқилади. Бу эса чет эллик таъминотчилар билан муносабатда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, масалан, таъминотчилар ишончли буюртмачиларга бериладиган имтиёзларни бермайди, ёки умуман келгусида ҳамкорлик қилишдан бош тартади.

Бундан ташқари, конвертация жараёнини амалга оширишда конвертацияга берилган буюртмани кўриб чиқиш даврида пулларнинг ҳисоб рақамларда музлатиб қўйилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Буюртмаларни кўриб чиқиш муддатининг давомийлиги, инфляция, валюта курсларининг ўзгариши ва пулнинг айланмадан чиқарилиши оқибатида кутилган фойда олинмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, тадбиркорлар катта харажатларга учраётганлари ойдин бўлмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатадики, кичик ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти, зарур хом-ашё ва компонентларни савдо воситачиларидан юқори нархларда харид қилишга мажбур бўлишмоқда, бу эса маҳсулот қийматининг ошишига ва натижада рақобатбардошликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда импортга протекционизм сиёсати мавжуд. Албатта, бу мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ташқи рақобатчилардан ҳимоя қилишдир. Аммо амалда, бу каби ёндашувнинг салбий оқибатлари уни жорий этишдан кутилган самарадан ошиб кетади.³⁰ Бунга нисбатан кучли назорат сиёсати олиб борилмоқда ва унинг самаралари кутилган натижаларни берган. Жумладан ҳозирги кунда Ўзбекистонга ноқонуний равишда мол олиб кириш ва чиқишга умуман йўл қўйилмайди.

Илк мустақилик йилларидан бошлаб тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлашга катта эътибор қаратила бошланган, бироқ, жаҳон иқтисодиётидаги глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатлари

³⁰ “Экспорт импорт операцияларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш ва божхона назоратининг самарадорлигини ошириш” таҳлилий ҳисобот, ИТМ. – Тошкент: 2008. – Б.19.

таъсирида тадбиркорликни молиялаштириш имкониятлари бироз пасайди. Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг иқтисодий реал секторига инвестициялар тузулмасидаги улуши 5 фоиздан ошмади, бу эса банк соҳасининг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фойдаланилмаган салоҳиятидан далолат беради.

Бизнесни бошлаш, ҳамда уни ривожлантириш ва модернизациялаш учун кредитлардан фойдаланадиган тадбиркорларнинг улуши паст 10 фоиздан кам даражада қолмоқда. Уларнинг аксарият қисми (90 фоиздан зиёди) ўз маблағлари ва норасмий қарзлар билан қифояланмоқда. Бу бизнесни бошлаш ва кенгайтириш учун банк кредитларини олишнинг мураккаблиги ҳамда кредитларнинг юқори нархидан далолат беради.³¹

Ундан ташқари кичик ва ўрта бизнес вакилларининг экспортбоп маҳсулотлар ёки юқори сифатли товарлар ишлаб чиқариш учун хорижий давлатлардан ускуналар ва хом ашё импорт қилиш масалалари ҳанузгача энг катта муаммолигича қолиб кетмоқда. Маълумки, замонавий ускуналарнинг жаҳон бозоридаги нархи 400 – 500 миллион сўмни ташкил этади. Янги иш бошлайдиган бизнесменларнинг тажрибаси юқори бироқ, уларнинг молиявий имкониятлари ҳаддан ташқари чеклангандир. Шу боис банклардан суммали лизинг ёки кредит олишлари катта вақт ва катта ҳаражатларни талаб этади. Олинган сумма 32 ойгача даврга тақдим этилиб, унинг бошланғич 6 ойида умумий сумманинг пеня 22 фоизидан тўланиб, олти ойдан сўнг унинг асосий қисми қопланиши зарурлиги қатъий қилиб белгиланиб қўйилганлиги катта муаммолар келтириб чиқармоқда. Ундан ташқари, тижорат банкларининг сумма лизингни 70 фоизини тўлаб бериш мажбурияти мавжуд. Илк оёққа турувчи тадбиркорлар мазкур муаммолардан қочиб кетишмоқда.

Бундан ташқари, 22-26 фоизли тижорат кредитлари бўйича мавжуд фоизли ставкалар (имтиёзли кредитлар бўйича 14 фоиздан бошлаб) йиллик 7-12 фоизли инфляция шароитида унчалик юқорига ўхшамайди. Аммо кредитларни олиш жараёнидаги вақтинчалик ҳаражатлар ва норасмий

³¹ Тадбиркорлар сўровномаси, ИТМ. 2006. – Б.21.

тўловлар, гаров мулкани баҳолашдаги номутаносиблик, уни тўлаш муддатининг қисқалиги (3 йилгача) ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун муҳим бўлган баъзи бир кўплаб хизматлар, материаллар ва асбоб-ускуналарни нақдсиз сотиб олишда нархларнинг юқорилиги каби омиллар ҳисобига кредитларнинг ҳақиқий қиймати сезиларли даражада ошади.

Натижада, саноатнинг қайта ишловчи жабҳаларидаги аксарият корхоналар учун кредит олиш номувофиқ бўлиб, уларнинг рентабеллик даражаси кредитлар учун рақобатлашиш имконини бермайди.³² Шу билан биргаликда, саноат корхоналари учун ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш мақсадида кредит олишлари ниҳоятда мушкулдир.³³

Яна бир энг салбий омиллардан бири бу бозор қийматига эга реал активларнинг салмоқли улуши ер ва дала ҳовли участкалари, интеллектуал мулк, асосий уй-жой зарур гаров таъминоти сифатида камайтирилган баҳолаш қиймати бўйича ҳам самарали қўлланилиши мумкин эмас. Бу айниқса кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига салбий таъсир кўрсатади, чунки улар кўпинча бошқа гаров таъминотига ёки кафилларга эга бўлмайди, ҳамда кредитларни олиш учун уюшма ёки холдинглар маъмурий имкониятларини ишга сола олмайдилар. Бунинг устига кредитларни кафолатлаш жамғармаларини тузиш каби кенг қўлланиладиган кичик бизнес гаров таъминоти муаммосини бартараф этиш механизми Ўзбекистонда деярли фойдаланилмайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик учун маблағлар олишнинг муқобил банкдан ташқари манбалари деярли мавжуд эмас - кредит уюшмалари ва микромолия ташкилотлари сони кўпайса-да, молиялаштиришнинг умумий ҳажми ниҳоятда камлигича қолмоқда, кредитларнинг максимал суммалари

³² 2006 йил натижаларига кўра қайта ишлаш саноати бўйича рентабиллик ўртача 25%ни ташкил этган, жумладан: электрэнергетика(23,2%), машинасозлик ва металлга ишлов бериш (18,6%), ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза - қоғоз саноати (29,8%), енгил саноат (11,5%) ва озиқ-овқат саноати (30,8%), химия ва нефть химияси саноати (31,5%). Шунингдек, рентабиллик ёқилги саноатида (96,1%), кора металлургияда (35,5%), рангли металлургияда (140,8%), қурилишматериаллари саноатида (72%)ни ташкил этади.

³³ “Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити” ХМК. 2009. – Б.35.

жуда паст, кредитлар бўйича фоиз ставкалари эса тижорат банклардагига нисбатан сезиларли даражада юқори. Демак, улар истеъмол кредитлашни кенгайтириш борасида етарлича салоҳиятга эга бўлсалар-да, яқин келажакда уларга маблағларни сафарбар этиш ва хусусий сектор инвестицияларини молиялаштиришнинг жиддий муқобил механизми сифатида таяниш қийин.

Фонд бозорларига келадиган бўлсак, ўз навбатида сўнгги бир неча йил давомида деярли ривожланмаслик ҳолатида, унинг листингига (рўйхатига) бугунги кунда асосан банк сектори вакилларида иборат атиги 11 корхона киради, фонд бозоридаги йиллик айланма ҳажми эса ЯИМнинг қарийб икки фоизини ташкил қилади ҳолос. Акциядорлик компанияларининг капитализациялаш кўрсаткичлари оддий фуқаро учун ҳеч нарсани англатмайди, умуман олганда эса фонд бозори бир томондан эркин муомалада «кўк белгилар» бўлмаганлиги, котировкаларнинг ноҳолисоналиги ва бошқарувнинг ошқора эмаслиги, иккинчи томондан аҳолининг молиявий саводсизлиги туфайли уларда бирон – бир қизиқиш уйғотмайди. Шу сабабли, ҳамда ушбу жараёнларнинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда акциядорлик ташкилотига айлантириш инвестицияларни жалб қилиш воситаси сифатида кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун қизиқиш уйғотмайди.

Бундан ташқари тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларига турли рухсатнома, лицензия, сертификат ва стандартларни олиш борасидаги мураккаб жараёнлар бўлиб қолмоқда. Бизнесменлар томонидан мувофиқ сертификатлар, рухсатномалар ва лицензиялар олиш даврларининг қисқартирилиши, “... хусусий инвестицияларнинг ЯИМ га нисбатан 0.2 фоизга ошишига олиб келади³⁴” деган ҳисоб – китоблар амалга оширилган.

Мажбурий сертификатлаш ва стандартлашга кетадиган кўп вақт ва маблағ сарфлари айниқса юқори технологик корхоналарга салбий таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг мавжуд ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб

³⁴ Таҳлилий тавсиянома 2 (13) 2009. БМТРД нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси нашри. – Б.12.

чиқаришни такомиллаштириш борасидаги жараёнларни рағбатлаштиришга тўсқинлик қилади. Сезиларли даражадаги қисқартишларга қарамасдан, мажбурий сертификатланиши керак бўлган товарлар ва хизматлар рўйхати 600 дан зиёд номланишга эга, бунинг устига олинган сертификатларни вақти-вақти билан узайтириш талаб этилади.

Сертификатлаш ва лицензиялашга қўшимча равишда яна бир рухсатнома ва келишувларнинг тури борки, у ҳам бўлса, ишлаб чиқариш жараёнини бошлаш ёки кенгайтириш билан боғлиқ. Бу ўринда гап охириги вақтда анча енгиллаштирилган рўйхатдан ўтиш жараёни ҳақида эмас, балки рўйхатдан ўтгандан кейинги босқич, яъни корхонанинг очилиши, жумладан, турар-жойни нотурар-жойга айлантириш, корхона, савдо нуқтаси ҳудудини кенгайтириш ва ҳоказоларга оид рухсатномаларни олиш тўғрисида бормоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқарган тадбиркорлар ўз маҳсулотлари ёки хизматларини сотиш жараёнида ҳам бозорга чиқиш йўлида муайян тўсиқларга дуч келадилар, улар қаторига маҳсулот ва хизматнинг (айниқса қишлоқ хўжалиги секторида) бошқа туманлар, вилоятларга ташиш ёки сотишдаги тўсиқлар, яъни давлат автоинспекция ходимлари томонидан вилоят ва шаҳар ҳудудига кириш жойларидаги кўп сонли блок - постлардаги текширувлар киради.

Шунингдек, хом ашё ва материалларнинг муҳим турларидан фойдаланиш борасида ҳам жиддий тўсиқлар мавжуд. Уларнинг асосийлари сирасига маъмурий қайта тақсимлашнинг расмий ёки норасмий механизми (уруғлик, ўғитлар, ип - калава) мавжудлиги, нархларнинг сунъий равишда кўтарилишига олиб келадиган ишлаб чиқарувчилар ёки импорт қилувчиларнинг монополизми (цемент, шифер, металл), шунингдек, зарур хом-ашё ва материалларни импорт қилиш учун конвертация қилиш мураккаблиги киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Кичик ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий

фаолиятга таъсири йилдан йилга ортиб бормоқда ва 2007 йилда ЯИМда унинг улуши 45.7 фоизни, бандлик соҳасида эса 72.1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда мазкур кўрсаткичлар 54.6 ва 75.7³⁵ фоизларга ошган, мувофиқликда.

Қайд қилиб ўтиш лозимки, кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг аксарият қисми хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг саноат ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришдаги улуши пастлигича қолмоқда. 2012 йилги статистика маълумотларига кўра кичик тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 22.2% га, қишлоқ хўжалигидаги улуши 98% ни ташкил этган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасида хом-ашё маҳсулотлари ҳамда қайта ишлов бериш даражаси юқори бўлмаган, ишлаб чиқариш технологияси даражаси паст бўлган ва жаҳон бозорида рақобатбардош бўлмаган маҳсулотлар етакчилик қилади. Қуйидаги жадвал асосида кичик тадбиркорликнинг Ўзбекистондаги улушларини кўришимиз мумкин.

3.2-жадвал

Ўзбекистон кичик тадбиркорлиги (бизнес) нинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши, фоиз ҳисобида


Йиллар	2000	2010	2011	2012
ЯИМ	31,0	52,5	54,0	54,6
Саноат	12,9	18,8	21,0	22,2
Қишлоқ хўжалиги	73,6	97,8	97,9	98,0
Инвестиция	15,4	28,5	33,0	35,2
Қурилиш	38,4	53,1	69,0	70,7
Савдо	42,5	50,3	47,2	45,3
Пуллик хизматлар	37,0	47,0	46,5	44,7
Жами хизматлар	х	45,7	46,1	46,0
Юк ташиш	6,7	41,6	43,2	45,6
Юк айланмаси	25,8	76,6	78,9	81,4
Йўловчи ташиш	30,0	79,4	81,8	83,4
Йўловчи айланмаси	44,0	84,7	87,0	87,8
Экспорт	10,2	13,7	18,8	15,8
Импорт	27,4	35,8	32,5	37,6
Бандлик	49,7	74,3	75,1	75,7

Манба: Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан

³⁵ Рақамлар Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотларидан олинган.

Юқорида Ўзбекистонда кичик тадбиркорликнинг ривожланиш муаммолари билан танишиб чиқдик. Албатта, келтирилган муаммолар даврий ҳал этилиб борилишини инобатга оладиган бўлсак, мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес тараққиётига кенг имкониятлар очилмоқда. Иқтисодий ривожланиш кўп йиллик тажрибаларга таянади. Шу борада Миср кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиш муаммоларини келтириб ўтсак.

Сўнгги йилларда Миср Араб Республикасида кузатилаётган сиёсий нобарқарорликлар нафақат иқтисодий, балки мамлакатнинг турли жабҳаларига ҳам салбий таъсир этмоқда. Шу борада кичик ва ўрта бизнес ривожланиш муаммоларига тўхталиб ўтсак. Миср ҳукумати хусусий сектор айниқса, ундаги кичик бизнесга катта эътибор бериб келган. Маълумки, кичик бизнес иқтисодий ривожланиш ҳамда мамлакатдаги камбағалликка барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, мамлакатнинг иқтисодий ва географик омилларино инобатга олган ҳолда ривожлантириш стратегияларини танлаб олиш муҳим саналади. Шу борада Мисрда кичик тадбиркорлик иқтисодиётнинг турли сектор ва тармоқларида тараққий топмоқда.




3.6-расм. Мисрдаги тадбиркорликнинг саноат ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги улуши, 2011 йил, %да

Манба: жТЗСЙ 36КМЗСЙ 36ОЗСМнЙ ж 36ХдЗЪЙЎ 36КЮСнС 36СИЪ УджнЎ
нжднж 2012-36гМ6П (1)Ў 36ЪПП (11) ГИСнб

Хусусан кичик бизнес саноат корхоналаридаги улуши йилдан – йилга ошиб бориб, унинг кўрсаткичи 2011 йилга келиб 87%³⁶, (Ўзбекистонда бу кўрсаткич 21%³⁷ ташкил қилади) қолган ҳиссалар ўрта ва йирик корхоналар 11 ва 2 фоизлар, мувофиқликда. Саноатда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларнинг 13% кичик корхоналар зиммасига тўғри келмоқда.

Чизмага эътибор қаратадиган бўлсак, йирик тадбиркорлик корхоналарнинг саноат секторидаги улуши кам бўлишига қарамай секторда яратилган жами маҳсулотларнинг 41% айнан йирик тадбиркорлик субъектларига тегишли. Худдий шунингдек, мамлакатда ўрта тадбиркорлик ҳам юксак аҳамиятга эгалиги унинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги ҳиссаси 46% га тенг бўлмоқда. Ушбу кўрсаткичларни тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган эътибор билан изоҳлаш мумкин. Сабаби мамлакатга жалб этилган жами инвестицияларнинг атиги 9% кичик тадбиркорликка 38% ва 53% ўрта ва йирик тадбиркорлик корхоналарига тегишли, мувофиқликда.



³⁶ -36ЪПП (11) ГИСнб жТЗСЙ 36КМЗСЙ 36ОЗСМнЙ ж 36ХдЗЪЙЎ 36КЮСнС 36СИЪ УджнЎ 36гМ6П (1)Ў нжднж 2012

³⁷ Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

3.7-расм. Мисрдаги тадбиркорликнинг жами инвестициялардаги ва бандликдаги улуши, %

Манба: жТЗСЙ 36КМЗСЙ 36ОЗСМнЙ ж 36ХдЗЪЙЎ 36КЮСнС 36СИЪ УджнЎ
нжднж 2012-36гМ6П (1)Ў 36ЪПП (11) ГИСнб

Шу билан бирга мамлакат меҳнатга лаёқатли аҳолининг тадбиркорлик субъектларида бандлиги ҳам айнан мазкур тенденцияларни акс эттиради. Шулардан келиб чиққан ҳолда Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш муаммолари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, кичик бизнесни молиялаштиришдаги муаммоларнинг мавжудлиги:

1. Кичик корхоналарнинг турли банк ва бошқа молиялаштирувчи муассасалар томонидан тақдим этиладиган маблағларни қўлга киритиш имкониятининг пастлиги, кичик корхоналар фаолиятидаги эҳтимолли ҳафв хатарлар даражаси юқорилиги сабабли банкларнинг КБ га кредит беришни истамаслиги;

2. Нодавлат молиявий муассасалар, “Ижтимоий ривожланиш фонди” каби ташкилотлар қарамоғида айнаи вақтда кичик бизнесни молиялаштиришга йўналтирилган 40 дан ортиқ лойиҳалар бўлишига қарамай, кичик бизнесни етарли молиявий ресурслар билан таъминлаш ташқи омилларга эҳтиёж сезиши;

3. Кичик бизнес субъектларининг кўп ҳолларда норасмий шахсий молиялаштириш манбаларидан катта фоиз эвазига қарз олишлари. Сабаби мазкур ташкилотлардаги ортиқча расмийлаштирилган озлиги ва улар томонидан қўйилган шартларнинг енгиллигидир.

Иккинчидан, молиялаштириш билан боғли бўлмаган муаммолар келадиган бўлсак:

1. Етарли малакали кадрларнинг етишмаслиги;
2. Маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланидиган юқори сифатли хом ашё импорти ва ундаги божхона тўловлари, ортиқча қоғозбозликларнинг кўплиги ҳамда узоқ вақт давом этиши. Бу эса, кичик бизнес субъектлари орасидаги рақобатни заифлаштиришга олиб келади;

3. Кичик бизнес фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланган ерларнинг озлиги ва мавжудларининг нархи қимматлилиги;

4. Кўплаб кичик бизнес корхоналар давлат рўйхатидан ўтмаган. Сабаби фойдаланилаётган баъзи объектларнинг ўзи ҳам давлат рўйхатидан ўтказилмаган;

5. Кичик бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришга инфратузилмаларнинг чекланганлиги;

6. Кичик бизнесни маркетинг маълумотлари билан таъминланмаслиги;

7. Кичик ва ўрта корхоналарининг миллий ва хорижий компаниялар билан алоқаларининг кучсизлиги;

8. Экспорт имкониятининг чекланганлиги, бунда асосан: экспорт тармоқларига чиқишнинг мураккаблиги, кичик бизнес корхоналари маҳсулотларини бозорларга олиб кириш каби қатор масалалар билан шуғулланувчи давлат органларининг мавжуд эмаслиги; экспортга оид лозим тушунча ва маълумотларнинг етишмаслиги, кичик бизнес корхоналари эгалари ўз маҳсулотларини халқаро миқёсда бозорларга олиб кириш учун талаб қилинадиган мезонларни билмасликлари; хом ашё етишмаслиги ёки унинг қимматлиги туфайли маҳсулот таннархининг ошиб кетиши, бу эса, ўз навбатида Миср кичик бизнес корхоналарининг Ҳиндистон, Бангладеш каби ривожланаётган мамлакатлар маҳсулотлари билан рақобатлашиш имкониятларини чекламоқда; кичик бизнес корхоналари экспорт фаолиятини молиялаштиришнинг камлиги шулар жумласидандир.³⁸

9. Корхоналарни давлат томонидан рўйхатдан ўтказиш тартиблари билан боғлиқ муаммолар. Бунда тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан рўйхатдан ўтказишга оид жараёнларнинг мураккаблиги ва божларнинг юқори нархда бўлиши билан бир қаторда тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган корхона эгалари ўз фаолиятларига оид

³⁸ . жТЗСЙ 36гЗ6нйЎ КЪТнТ 36ЮПСЙ 36КдЗЭУнй ббгдФВК 36ХЫнСЙ ж36гКЖУШЙ Эн гХСЎ 36ЮЗеСЙЎХ 32Ў джЭгИС 2011

вазирлик ёки бошқа давлат муассасаларга мурожаатларининг хилма - хиллиги.

10. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятига аралашувчи ва уларни назорат қилувчи муассасаларнинг ҳаддан ташқари кўплиги. Бир томондан бунинг ижобий томони бўлса, унинг салбий томони ушбу корхоналар ўз фаолият стратегияларини ўзларича кескин белгилай олиш имкониятларининг қисқаришида намоён бўлмоқда. Назорат этувчи органларга:³⁹ Ижтимоий ишлар вазирлиги, XX асрнинг 60 йилларидан буён ушбу вазирлик “Ишлаб чиқарувчи оилалар” дастури доирасида кичик бизнесни қўллаб қувватлаб келади; Турли минтақалардаги тадбиркорлар жамиятлари, улар 2000 йилда қабул қилинган қонун доирасида мамлакатнинг турли вилоятларида қарийиб 118 тага яқин кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлашга йўналтирилган нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятларини бошладилар; Миллий ривожланиш вазирлиги, XX асрнинг 80 йиллар охиридан МРВ миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда аҳолининг иштирокини кучайтириш доирасида миллий ривожланиш лойиҳаларига эътибор қарата бошлади. Шунингдек, вазирлик аёлларни ўз уйларида туриб меҳнат фаолияти билан шуғулланишларини таъминлашга қаратилган бир қатор дастурларни амалга ошириб, кичик бизнес ривожи учун бевосита ҳисса қўшмоқда; Ижтимоий ривожланиш фонди, 1999 йил мамлакат президенти Ҳусни Муборакнинг Ижтимоий ривожланиш фонди қошида кичик бизнесни ривожлантириш аппаратини ташкил этиш ҳақидаги 434-қарори эълон қилинган бўлиб, мазкур қарорга кўра ташкил этилган аппарат кичик бизнес соҳасини ривожлантириш, назорат қилишга оид сиёсатни юритувчи муассаса ҳисобланади; Ташқи савдо вазирлиги, вазирлик ҳузурида 1997 йили кичик ва ўрта бизнес блоки ва кичик ва ўрта бизнес ишлари муассаси ташкил қилинган бўлиб, ушбу икки ташкилот мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, экспорт

³⁹ . Ў ЁХЗг СЭЪК "НУнд ЁИП ЗбгШБИ ЗбГУСМ "ЗбгФСжЪЗК ЗбХЫнСЙ ж ПжСеЗ ЗбКдгжн Эн гХС ЗбгФСжЪЗК ЗбХЫнСЙ Нжб КНПнП жЗЦН бгЭежгеЗ"Х45"

имкониятларини кенгайтириш вазифаларига эга; Молия вазирлиги, 1999 йилдан давлат рўйхатидан ўтказилган кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан рўйхатдан ўтмаган, норасмий фаолият олиб бораётган кичик ва ўрта бизнес корхоналарни ажратиш ва расмий фаолият олиб бораётганларига солиқ имтиёзлари бериш лойиҳасини бошлаган.

Айтиш мумкинки, МАР да кейинги даврларда кичик бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, КБ вакилларини молиялаштириш механизмлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларни кредитлар билан таъминлаш ижтимоий ривожланиш жамғармаси ва мамлакатдаги давлат ва тижорат банклари зиммасига юклатилган. Бунда асосан тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришга эмас балки, уни ташкил этилиши муҳим саналмоқда. Сабаби тадбиркорлик субъектлари янги лойиҳани амалга ошириши учун бошланғич кредит фоизи 7 фоизни ташкил этса, фаолиятдаги лойиҳа учун 9 фоиз миқдорида кредитлар тақдим этилмоқда.

3.3-жадвал

Мисрдаги кичик тадбиркорлик (бизнес) ни кредитлар билан таъминлаш

Банклар номи	Банк томонидан кичик бизнесга тақдим этиладиган кредитлар ставкаси	Ижтимоий фонд томонидан кичик бизнесга тақдим этиладиган кредитлар
Миср банки	40 000 МФдан бошланадиган кредитга 13%	Янги лойиҳа учун 7%, фаолиятини давом эттираётган лойиҳа учун 9%
ал-Аҳлий банки	Йирик кохоналарга тақдим этилган кредитлар фоизидан 2% кам	Янги лойиҳа учун 7%, фаолиятини давом эттираётган лойиҳа учун 11%
Қоҳира банки	Тақдим этиладиган кредит миқдorigа қараб 7% дан 10% гача	Янги лойиҳа учун 7%, фаолиятини давом эттираётган лойиҳа учун 9%
Искандария банки	13% дан 15% гача	Янги лойиҳа учун 7%, фаолиятини давом эттираётган лойиҳа учун 9%
Миллий ривожланиш банки	1 000 МФдан 10 000 МФгача йиллик 16%. Фоиз ҳар ойнинг бошида тўланади	х
Носир ижтимоий банки	7% дан 10% гача	х

Манба: ж 36ХдЗБЙЎ 36КЮСнС 36СИЪ УджнЎ 36ГМбП жТЗСЙ 36КМЗСЙ 36ОЗСМнЙ нжднж 2012-Ў 36ЪПП (11) ГИСнб(1)

Ҳозирги вақтда тадбиркорлик (бизнес) мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим ричакларидан ҳисобланмоқда. Бунда албатта кичик тадбиркорлик муҳим аҳамият қабс этади. Кичик тадбиркорлик иқтисодиётда юксак мобил субъект саналиб, йирик бизнес ўз истикболини айнан кичик бизнес билан кўрмоқда. Шу аснода йирик ва кичик бизнес муносабатлари юзага келиб, кичик бизнесга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, Жаҳон банки ҳар йили “Doing Business” рукни остида таҳлилий маъруза тайёрлаб жаҳон давлатларида тадбиркорлик муҳити, унинг фаолияти ва ривожланиши каби турли категорияларда бизнесга баҳо бериб чиқишади. Мазкур докладлар тадқиқотга унинг тўғрилиги ва нотўғрилиги борасида катта ёрдам беради. Хусусан 2013 йили ҳам бир гуруҳ тадиқотчилар шунингдек 6 700 дан ошиқ экспертлар жаҳоннинг 185 дан ортиқ давлатларида тадбиркорлик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилишган.

Тадқиқот рейтинги тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг 10 кўрсаткичлари асосида ташкил этилган. Ушбу кўрсаткичлар: янги корхоналар очиш бўйича давлат талабларини тадбиркорлар томонидан бажарилиш вақти ва қиймати, савдо операцияларини олиб бориш, шартномалар бажарилишини таъминлаш, солиққа тортиш ва корхоналарни ёпиш каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Ҳар бир кўрсаткич тенг миқдорларга эга. Унда макроиқсодий сиёсат, инфратузилмалар сифати, ишчи кучи малакаси, валюта курслари тебраниши, инвесторлар фикрлари, хавфсизлик ва коррупция даражаси сингари ўзгаришлар инобатга олинмаган.

Жорий тадқиқот натижаларига кўра биринчи ўринни кетма – кетига еттинчи бор Сингапур эгаллаб келмоқда. Ундан сўнг биринчи бешталикка Гонконг, Янги Зеландия, АҚШ ва Дания киришган. Грузия биринчи ўнталикда янги давлат ҳисобланмоқда. Жадвалда кейинги йилларда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор

бераётган Польша, Шри-Ланка, Украина, Ўзбекистон, Бурунди, Коста-Рика, Мўғилистон, Греция, Сербия ва Қозоғистон давлатлари ўрин олишган.⁴⁰

⁴⁰ World Bank. Doing Business 2013. – P.39.

3.4-жадвал

**Жаҳон банкининг дунё давлатларида тадбиркорлик муҳити
рейтинги**

Давлатлар	Рейтинг	Корхоналарни рўйхатга олиш	Қурилишга рухсатнома бериш	Элект таъминот тизимига улушиш	Мулкларни рўйхатга олиш	Кредитлаш	Инвесторларни химоялаш	Солиқ солиш	Халқаро савдо	шарномалар бажарилишини таъминлаш	Корхоналарни тугатиш
Сингапур	1	4	2	5	36	12	2	5	1	12	2
Гонконг	2	6	1	4	60	4	3	4	2	10	17
Янги Зеландия	3	1	6	32	2	4	1	21	25	17	13
Америка Қўшма Штатлари	4	13	17	19	25	4	6	69	22	6	16
Дания	5	33	8	14	6	23	32	13	4	34	10
Жанубий Корея	8	24	26	3	75	12	49	30	3	2	14
Грузия	9	7	3	50	1	4	19	33	38	30	81
Саудия Арабистони	22	78	32	12	12	53	19	3	36	124	107
Япония	24	114	72	27	64	23	19	127	19	35	1
Латвия	25	59	113	83	31	4	70	52	16	24	33
Бирлашган Араб Амирликлари	26	22	13	7	12	83	128	1	5	104	101
Қатар	40	109	18	25	40	104	100	2	58	95	36
Баҳрайн	42	88	7	48	29	129	82	7	54	113	27
Оман	47	73	59	54	18	83	100	10	49	107	77
Қозоғистон	49	25	155	80	28	83	10	17	182	28	55
Тунис	50	66	93	51	70	104	49	62	30	78	39
Польша	55	124	161	137	62	4	49	114	50	56	37
Қирғизистон	70	15	67	177	11	12	13	168	174	47	155
Туркия	71	72	142	68	42	83	70	80	78	40	124
Мўғилистон	76	39	121	169	22	53	25	70	175	29	127
Кувайт	82	142	119	55	89	104	32	11	113	117	92
Хитой	91	151	181	114	44	70	100	122	68	19	82
Марокаш	97	56	79	92	163	104	100	110	47	88	86
Иордания	106	103	102	38	102	167	128	35	52	129	112
Миср Республикаси	109	26	165	99	95	83	82	145	70	152	139
Россия	112	101	178	184	46	104	117	64	162	11	53
Ливан	115	114	172	47	108	104	100	37	95	121	131
Яман	118	110	62	112	59	167	139	113	121	45	122
Украина	137	50	183	166	149	23	117	165	145	42	157
Судан	143	122	156	108	37	167	158	101	153	151	88
Сурия	144	132	134	84	84	176	117	111	125	176	111
Эрон	145	87	166	163	165	83	150	129	143	53	126
Жазоир	152	156	138	165	172	129	82	170	129	126	62
Ўзбекистон	154	90	152	167	138	154	139	161	185	46	73
Ироқ	165	177	84	46	100	176	128	65	179	141	185
Мавритания	167	160	115	121	65	167	150	177	150	77	153

Манба: World Bank: Doing Business 20113.

Айтиб ўтиш керакки, тадқиқотлар реал кўрсаткичларга асосан ташкил этилган бўлиб, муаллифлар гуруҳи давлатлардан очик маълумотлар сўрашган. Доклад мамлакатлардаги нисбатан реал ҳолатни акс эттирган, бироқ, баъзи ривожланаётган давлатлар иқтисодий стратегияларидан келиб чиққан ҳолда маълумотларни тўлиқ тақдим этишмаган баъзилари тўлиқ маълумотлар тақдим этиши натижасида мазкур давлатларда бизнес муҳитига конкрет баҳолар беришган. Таъкидлаш зарурки, Жаҳон банки каби юксак тоифадаги ташкилотлар тайёрлаган материал ва маърузалар жаҳон ҳамжамиятида катта аҳамият касб этиб, энг аввало инвесторлар ўз капиталларини бирон давлатларга киритишидан олдин албатта ушбу докладларни синчковлик билан ўрганиб чиқишади.

Рейтинг даражаси юқори давлатлар иқтисодий ривожланиши ҳолати ижобий ёки салбий деган фикрни изоҳламайди. Хусусан, рейтинг даражаси 109 ўриндаги Миср ЯИМ 229.531⁴¹ миллион АҚШ долл., аҳоли жон бошига ЯИМ эса 2 600⁴² АҚШ долларини ташкил этса, Қирғизистон тадбиркорлик муҳити рейтинги 70 ўринда, ЯИМ 5.919⁴³ миллион АҚШ долл., аҳоли жон бошига ЯИМ 920⁴⁴ АҚШ долларига тенг.

⁴¹ The World Bank: World Development Indicators, 2012. Gross Domestic Product 2011. – P.11.

⁴² The World Bank: World Development Indicators, 2012. Gross National Income per Capita 2011. – P.12.

⁴³ The World Bank: World Development Indicators, 2012. Gross Domestic Product 2011. – P.13.

⁴⁴ The World Bank: World Development Indicators, 2012. Gross National Income per Capita 2011. – P.14.

ХУЛОСА

Ҳозирги вақтда миллий иқтисодиётларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши, бозорларни зарурий маҳсулот ва хизматлар билан тўйинтириш, ҳамда аҳоли ҳаёт даражасини кўтаришнинг муҳим манбаларидан бири кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес иқтисодий муносабатларнинг шакллари, улар қўлланилишининг имкониятлари ва афзалликлари борасида юзага келган муаммолар, мазкур тизимларнинг миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатиш шарт-шароитлари мавжуд эмаслигидан келиб чиқмоқда. Жаҳондаги ривожланган давлатларнинг кўпчилигида кичик корхоналарнинг кучли рақобат шароитидаги муттасил иқтисодий ўсиши йирик корхоналар билан ўзаро ҳамкорлиги натижаси ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида кузатилаётганидек, кичик тадбиркорлик турли, ҳатто ривожланган давлатлар иқтисодиётида ҳам улкан аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда кичик тадбиркорлик ривожланишининг хориж ва миллий иқтисодиёт тажрибасини таҳлил этиб, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш сиёсатининг қуйидаги объектив афзалликларини келтириш мумкин: - мулкдорлар синфи ошиши, натижада ўрта синф шаклланади, бу эса, демократик жамиятда сиёсий барқарорликка кафолат яратади; - иқтисодий фаол аҳоли улуши ортиши, бу ўз навбатида фуқаролар даромадлари кўпайишига ва турли ижтимоий гуруҳлар фаровон турмушидаги (номутаносиблик) диспропорцияни қисқартиради; - жамиятда кичик бизнес энг биринчи ўриндаги ўз – ўзини бошқариш механизми сифатида тасаввур қолдиришига эришади; - нисбатан капитал камҳарж янги иш ўринлари яратилади, бу асосан хизмат кўрсатиш соҳаларида кузатилади; - давлат сеторида хизмати (иш) дан бўшатишган, ҳамда иқтисодий фаол аҳоли тоифасига кирмаган жамият вакиллар (қочоқлар, ногиронлар, ёшлар, аёллар) каби ишчиларни иш билан таъминлаш;

Маълумки, ҳар бир ҳатти ҳаракатларимиз замирида эркин ва фаровон турмуш даражасига эришиш ва уни узоқ муддатли барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Шу сабабдан жамиятда ҳозирги вақтда кичик тадбиркорликка эътибор қаратилиши замон талаби дейиш айнаи муддао ҳисобланади.

Кичик тадбиркорликнинг ижтимоий аҳамияти оммавий кичик мулкдорлар гуруҳларидан иборат. Айнан мазкур гуруҳлар аҳоли фаолиятининг асосий истеъмолчилар массаси, тез суръатларда ўзгарувчи бозор талабларига мувофиқ равишда товарлар ва хизматлар мажмуасини ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида кичик бизнес субъектлари маълум даражада ривожланиб борибди. Хусусан мазкур тенденциялар Ўзбекистонга ҳам мосдир. Лекин уларни яратиш суръатлари, уларни муттасил ривожланиб бориши ва умумиқтисодий ҳаётдаги ўрни бозор иқтисодиёти талабларига ҳали жавоб бера олмайди. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш йўлларида кўплаб давлатларда ҳанузгача етарлича тўсиқлар, қийинчиликлар мавжуд.

Умуман олганда, кичик бизнес ривожланишини қўллаб – қувватлаш шакллари ва усуллари ниҳоятда хилма – хилдир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Давлат ҳуқуқий ёрдами; 2. Ташкилий ва бошқарув ёрдами; 3. Молиявий – иқтисодий ёрдам; 4. Моддий – техникавий ёрдам; 5. Ижтимоий – психологик ёрдам.

Мисрда кичик ва ўрта тадбиркорликни қатор вазирлик ва махсус қўмиталар ўз ваколати доираларида тартибга солиб туришади. Булар қуйидаги ташкилотлар: Ижтимоий ривожланиш жамғармаси, Савдо ва саноат вазирлиги, Инвестиция вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий таълим ва тадқиқотлар вазирлиги шулар жумласидандир.

Мисрда кичик бизнес ривожланиши туризм тараққиёти билан боғлиқ. 80-90 йилларда мамлакат жаҳоннинг энг машҳур дам оладиган жойларидан ҳисобланган. Эмигрантлар ерга мизр нарх тўлаб фойдаланишади, интенсив

равишда сайёҳлар учун меҳмонхоналар, мотеллар куришган. Туристлар меҳмонхоналарнинг ўзидан ёки шу атрофдан хизматнинг (сартарошхона, магазинлар, барлар, ресторанлар) кўплаб турларидан фойдаланишади. Бироқ, мамлакатдаги кичик тадбиркорлик ривожланишидаги муаммолардан бири бизнеснинг айнан хорижликлар қўлида қолиб кетиши ҳисобланади. Ҳар бир маҳаллий мисрлик ўз бизнесини яратишганда эмигрант шахсга рақобатдош бўлади, бошқача айтганда “янги” мисрликларга рақобатчи бўлишади.

Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари мамлакат аҳолисининг шахсий маблағлари етарли эмаслиги шу билан биргаликда ҳукуматнинг кичик тадбиркорликни рағбатлантиришга молиявий жамғармаларнинг кучсизлиги таъсирида тадбиркорлик ривожланиш темплари анча босқичларни босиб ўтди.

Умуман олганда Миср кичик тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари давр нуқтаи назаридан узоқ вақтни ўз ичига олади. Айнан мамлакатдаги кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожланиш тенденциялари XX асрнинг 50 йилларидан кузатилган дейиш мумкин. Сабаби Миср иқтисодий ривожланишининг иккинчи босқичи 1956-1960 йилларни ўз ичига олиб, унда давлат сектори ривожлана бошлаган. Бунда Миср ҳукумати инглизлар ва французларга тегишли барча мулкка секвестр эълон қилди ва тегишли авуарлар давлат мулки ёки хусусий мулкка ўтказилганлиги режали иқтисодиётга ўтиш учун асос яратди.

Айнан шундан кейинги даврлар мамлакат иқтисодий ривожланишининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи босқичларидан сўнг мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланган. Хусусан мазкур даврларда Миср ҳукумати энг катта эътиборини давлат ва хусусий мулкларни миллийлаштириш, саноат ва аграр секторларда давлат улушини қисқартириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратди.

Миср Араб Республикаси ҳам ташқи иқтисодий алоқаларида жаҳоннинг иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган давлатлари билан кенг кўламда ҳамкорлик муносабатларини олиб боради. Охирги ватқларда хорижий инвестициялар мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар риволанишининг энг муҳим омилларидан бири бўлган бўлса, бугунги кунда унинг ўрнини кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари эгалламоқда. Бунга кўплаб сабаблар мавжуд. Хусусан Миср кичик тадбиркорлиги ривожланишида халқаро товар ва хизматлар ҳаракати ўзига хос ўринга эга. Халқаро товар ва хизматлар ҳаракатининг мазкур тизими ривожланаётган давлатлар учун ташқи иқтисодий муносабатларнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Глобал моливий – иқтисодий инқироз бугунги кунга келиб иқтисодий рецессияга айланиб кетди ва унинг салбий таъсирлари ҳанузгача баъзи давлатларда акс этиб турибди. Инқирознинг ривожланган давлатлардан ривожланаётган давлатларга ўтишига асосий сабаб пул ўтказмалари, хусусий инвестиция ва савдо оқимлари ҳажмининг қисқариши бўлди. Ушбу омиллар нафақат Ўзбекистондаги балки, Мисрдаги иқтисодий ва ижтимоий вазиятга сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистон ва Миср давлатларидаги кичик тадбиркорлик тараққиёти муаммоларига тўхталби ўтсак. Бугунги кунда Ўзбекистонда хусусий бизнес ривожланиши йўлидаги энг мураккаб тўсиқлар Ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ) соҳасида мавжуд. Булар орасида энг асосийлари сифатида экспорт – импорт жараёнида транспорт харажатларининг юқорилиги, конвертациядан фойдаланишнинг мураккаблиги ва божхона тўловлари даражасининг юқорилигини қайд этиш мумкин.

Ҳозирги кунгача импорт операцияларини амалга оширишда миллий валютани (сўмни) конвертация қилиш борасида мураккабликлар сақланиб келинмоқда. Сўмдаги маблағларни чел эл валютасига конвертация қилишда расмий чекловлар белгиланмаган. Аммо амалда аризалар 3 ой ва ундан кўпроқ муддатга кечикиб, узоқ муддат давомида кўриб чиқилади. Бу эса чет

эллик таъминотчилар билан муносабатда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради, масалан, таъминотчилар ишончли буюртмачиларга бериладиган имтиёзларни бермайди, ёки умуман келгусида ҳамкорлик қилишдан бош тортади.

Илк мустақилик йилларидан бошлаб тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлашга катта имкониятлар қаратила бошланган, бироқ, жаҳон иқтисодиётидаги глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатлари таъсирида тадбиркорликни молиялаштириш имкониятлари бироз пасайди. Сўнгги 5 йил давомида тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига инвестициялар тузулмасидаги улуши 5 фоизданошмади, бу эса банк соҳасининг хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги фойдаланилмаган салоҳиятидан далолат беради.

Сўнгги йилларда Миср Республикасида юз берган сиёсий нобарқарорликлар нафақат иқтисодий, балки мамлакатнинг турли жабҳаларига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Мисрда кичик тадбиркорлик ривожланиш муаммолари қуйидагилардан иборат. Биринчидан, кичик бизнесни молиялаштиришдаги муаммолар ҳамда иккинчидан, молиялаштириш билан боғли бўлмаган муаммолар шулар жумласидандир.

Айтиш мумкинки, МАР да кейинги даврларда кичик бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, КБ вакилларини молиялаштириш механизмлари ишлаб чиилган бўлиб, уларни кредитлар билан таъминлаш ижтимоий ривожланиш жамғармаси ва мамлакатдаги давлат ва тижорат банклари зиммасига юклатилган. Бунда асосан тадбиркорлик фаолиятини давом эттиришга эмас балки, уни ташкил этилиши муҳим саналмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Қонунлар, фармонлар, қарорлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрдаги 723-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. –121 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Адолат, 1999. –21 б.
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: Адолат, 2008. –21 б.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг корхоналар ижара мулкчилиги тўғрисидаги Қонунлари. – Тошкент: Адолат. 1997. –121 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 25 май. //Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 2000, № 5-6. –31 б.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Хусусий корхона тўғрисида» 2003 йил 11 декабрь. // Ўзбекистон Республикаси Қонуни Хужжатлар тўплами, 2004 й., №3. – 42 б.
- 1.7. “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил январдаги ПФ-3202-сон Фармон.
- 1.8. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619 сонли Фармони. \ Солиқ ва божхона хабарлари// № 26(570), 2005 йил 20 июнь, –12 б.
- 1.9. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620 сонли Фармони. \ Солиқ ва божхона хабарлари// № 26(570), 2005 йил 20 июнь, – 21 б.

- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 декабрдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарларини олиб киришни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида” ги Қарори.
- 1.11. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 19 август. – Т.: Адолат, 1999. – 31 б.
- 1.12. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Халқ сўзи, 2000 йил 15 июнь. –Б.4-5.
- 1.13. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сон қарори.
- 1.14. “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 390-сон қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва нутқлари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1998 й. – 261 б.
- 2.2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз–жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. Халқ сўзи. 2005 йил. 29 январ. – 321 б.
- 2.3. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топиши- тараққиёт гаровидир. Халқ сўзи. 2001 йил. – Б.5-6.
- 2.4. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Халқ сўзи. 2003 йил. 18 февраль. – Б.5-7.

- 2.5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 212 б.
- 2.6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 327 б.
- 2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 45 б.
- 2.8. Каримов И.А. Эришилган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш-асосий вазифамиз. Халқ сўзи. 2004 йил. 10 февраль. №28 (3302). – Б.5-6.
- 2.9. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи. 2006 йил. 11 февраль. №29 (3828). – Б.5-6.
- 2.10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 2.11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль. – Б.5-7.
- 2.12. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь. – Б.6-8.
- 2.13. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010
йил, 30 январь. – Б.5-6.

III. Китоблар ва монографиялар

- 3.1. Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Тошкент: Меҳнат, 1998. – 204 б.
- 3.2. Агеев А. Предпринимательства: проблемы собственности и культуры. – Москва: 1991. – 194 с.
- 3.3. Алимов Р.А., Расулов А. и др. Основы бизнеса. – Т.: Меҳнат, 1992. – 342 с.
- 3.4. Амбарцумян А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условия перехода Узбекистана к рынку. – Тошкент: 1996. – 27 с.
- 3.5. Беков Р.С. Предпринимательство в системы экономических отношение. – Саратов: 1999. – 298 с.
- Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. с. англ. – М.: 1994. – 342 с.
- Блинов А.О. Малое предпринимательства: организационные и правовые основы деятельности. – Москва: Ось-89, 1998. – 301 б.
- Борисов С.Ф. Основы экономической теории. – Москва: Экономика. 1995. – 83 с.
- Вахобов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 18 б.
- Власова В.М. Основы предпринимательской деятельности. – Москва: Финансы и статистика, 1996. – 106 с.
- Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик-тараққиёт асоси. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 387 б.
- Гулямов С.С. и др. Предпринимательство и малый бизнес. – Т: ТГТУ, 1997. – 402 б.

- Дўстжонов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. – Урганч: Хоразм: 1997. – 234 б.
- Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлил қилиш усуллари. –Самарқанд:СВТИТП, 2004. –199 б.
- Камаев В.Д. Экономика и бизнес. – Москва: 1993. – 305 б.
- Карлоф В. Деловая стратегия. – Москва: Экономика, 1991. – 239 с.
- Колесник А.А., Елизарова Л.Г. Теоретические основы товароведения продовольственных товаров. – М.: Экономика, 1985. – 263 с.
- Крутик А.Б., Горенбургов М.А. Малое предпринимательство и бизнес-коммуникации. – М.: 1998. – 270 с.
- Кузнецов А.Ю. Положение мелких и средних предприятий в Японии. – Япония: Ежегодник, 1999. – 184 с.
- Макконелл К., Брю. С. Экономика. Принципы, проблемы и политика. – М.: 1992. – 308 с.
- Маршалл А. Принципы экономической науки. – Т.1. Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1993. – 382 с.
- Мировой рынок продовольствия в эпоху «генной» революции. Экономика, 2002. – 269 с.
- Пашкус В.В., Мисько. О.Н. Бизнесга кириш. – Д. 1991. – 208 с.
- Rose, Donald. 1999. Economic Determinants and Dietary Consequences of Food Insecurity in the United States // The Journal of Nutrition, 5178-5208. – P.29-34.
- Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 217 б.
- Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. –Москва: ТЕИС, 2000. – 231 с.
- Смит А. Исследование причины богатство народов. – Москва: Ось-89, 1997. – 245 с.
- Сэй Ж.Б. Трактат политической экономии. – Москва: Экономика, 1986. – 326 с.

The State of Food and Agriculture 2000 // lessons From the Past 50 Years. – Rome: FAO, 2000. – P.15-23.

Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1998, – 239 б.

Усмонов С.Н., Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А. Тадбиркорлик асослари. – Ф.: 2000. – 223 б.

Hamilton, William, John Cook, William Thompson, Lawrence Buron, Edward Frongillo, Christine Olson, and Cheryl Wehler. 1997. *Household Food Security in the United States in 1995: Technical Report of the Food Security Measurement Project*. – Alexandria, VA. – P.76-86.

Хайруллоев Д.С. Управление развитием малых предприятий в условиях перехода к рыночной экономике. – Москва: 1992. – 276 с.

Шепелев В.М. Очерки теории и практики развития предпринимательства. – Тошкент: Фан, 1998. – 198 с.

IV. Илмий мақолалар

Алимардонов М. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тамойилларини такомиллаштириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2001. -№3. –Б. 22.

Абатуров В. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы // Экономическое обозрение. – Тошкент, 2000, №3(13). – С.5.

Абатуров В. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликни кредит билан таъминлаш // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2000. -№2. –Б. 46-49.

Акрамов А.У. Развитие малого бизнеса в республике Узбекистан // Вопросы экономических наук. – Москва, 2005. –№3. – С.13-18.

Баратов Ф., Муродов Ч. Иқтисодиётда хусусий тадбиркорликнинг мавқеини ошириш йўллари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2004. -№1-2. –Б. 9-13.

- Инамова Г., Шарипова М. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий бизнеснинг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2004. -№7-8. – Б. 67-68.
- Инвестиция минтақалар имконияти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2005. -№ 5-6. –Б. 15.
- Эрматов А.А. Перспективы государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане//Филиал Российской экономической Академии им Г.В.Плеханова в г.Ташкент. Тезисы докладов. – Москва, 2 февраля 2006. – С.283-284.
- Эрматов А.А. Иқтисодий тараққиётда кичик бизнес ырни баҳолаш//Ж. Бозор, пул ва кредит. – Т., 2006. -№5(108). – Б.49-51.
- Эрматов А.А. Кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари//Ж. Жамият ва бошқарув. – Т., 2006. -№2. – Б.12-14.
- Эрматов А.А. қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг мақсадли дастури// Илмий мақолалар тўп. – Тошкент, 2006. – Б.197-199.
- Эрматов А.А. Андижон вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инфратузилмани тутган ўрни//АндМИИ Илмий мақолалар тўп. – Андижон, 2006. – Б.234-236.
- Эрматов.А.А. Влияние рыночной инфраструктуры на развитие малого бизнеса в региональной экономике // материалы международной научно-практической конференции. ТФИ 24 января 2007. – С.94-100.
- Эрматов.А.А Андижон вилоятида кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг самарадорлигини ошириш йқллари // АндМИИ Илмий мақолалар тўп. –Андижон, 2009. – Б.264-268.
- Камолов О. Инвестиция минтақалар имконияти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2005. -№ 5-6. –Б. 11-15.
- Ковалчук В. Тадбиркор билан ёлланган ходимларнинг меҳнат муносабатлари асослари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2001. - №3-4. –Б. 82-88.

- Мадрахимов Қ. Кичик тадбиркорлик инфратузилмаси ривожланиши-нинг худудий хусусиятлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2000. -№9. –Б.6-12.
- Ниёзматов Б., Собиров У. Иқтисодий кўрсаткичлар ошиши // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2006.-№3-4.–Б.18-20.
- Толибжонов В. Тадбиркорлик жамиятимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2007.-№1. –Б.40-49.
- Умаров И., Исаков А. Андижон вилоятида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2004. -№3-4. –Б. 56-61.
- Шепелев В.М. Предпринимательство в условиях рыночной экономики // Журнал налогоплательщика. – Тошкент, 1996. -№7. –С. 32-41.
- Шулус А. Субъекты малого предпринимательство и система его государственной поддержки // Российский экономический. – Москва. 1997. -№5-6. –С. 35-42.
- Эшонов Ш. Қишлоқда тадбиркорликнинг ривожланиш йўллари // Бозор, пул ва кредит. –Тошкент, 2000. -№8. –Б. 58-64.
- Юнусов М, Каримов Р, Салоҳидинов А. Андижонда ҳам саноат, ҳам агросаноат тараққий этаяпти // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2006. -№5-6. –Б. 13-19.
- Юсупова Н. Поддержка малого предпринимательства в США // Экономический вестник Узбекистана. –Тошкент, 1999. -№6. –С. 42-51.

V. Диссертация ва авторефератлар

- Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: иқт.фан.док, дисс... автореф. – Т.: 2001. – 35 б.
- Мусаева С. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг таркибий-ижтимоий муаммолари (Фарғона

вилояти кичик бизнес корхоналари мисолида): иқт.фан.ном дис...
автореф. – Т.: ТДТУ, 2005. – 21 б.

Муфтайдинов Қ.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида
тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док., дис...
автореф. – Т.: 2004. – 40 б.

Мухин Ю.С. Предпринимательство в рыночном хозяйстве: региональные
аспекты его регулирования: Автореф. дисс. канд. экон. наук. – М.:
1997. – 20 с.

Шахмалов Ф.И. Взаимодействие предпринимательских и властных структур:
вопросы теории и практики: Автореф. дис....докт. экон. наук. –СПб.:
1998. – 34 с.

Гайбуллаев Р.М. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни
ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш:
иқт.фан.док. дисс. автореф. – Т.: 2005, – 44 б

Алимов.А.М. Иқтисодиётнинг индустриал соҳасида кичик бизнеснинг
ривожланиши (Тошкент шаҳри мисолида): иқт.фан.ном дис... автореф.
– Т.: 2000. – 40б.

VI. Статистик тўпламлар

Деловая среда в Узбекистане глазами представителей малого и среднего
бизнеса. – Москва: 2002-2004. – С.88-89.

Основные показатели развития малого предпринимательства в Республики
Узбекистан на 1 января 2007 г. Статистический бюллетень. – Ташкент:
2007 г. – 41 с.

Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане. 2004.
Статистический сборник. – Ташкент: 2005, – 71 с.

Ўзбекистон иқтисодиёти / Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2005 йил. 2006. №12.
ИИТМ, USAID-EuropedAID. – 43 б.

Ўзбекистон иқтисодиёти / Ахборот ва таҳлилий шарҳ 2004 йил. 2005. №8.
ССИМ, USAID-EuropedAID. – 41 б.

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам
/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2005. –
62 б.

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам
/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2006. –
61 б.

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам
/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2007. –
61 б.

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам
/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2008. –
61 б.

Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. 2004: статистик тўплам
/ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2009. –
61 б.

VII. Интернет маълумотлари

Pesch J. Grundzüge des Marketing. - München: Verlag für Wirtschaftsskripten,
1988.

Dunning J. The Globalization of Business. – London: Routledge, 1993.

World Development Report 2005. www.worldbank.org.

<http://www.advertology.ru>

<http://www.oryol.ru>

Sharpe W.F. Portfolio Theory and Capital Markets. – New York: McGraw-Hill,
1970. – p.26.